Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2006 йил, **27** январь, жума № **4** (2131).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **27** января, **2006** год, № **4** (2131).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена свободная

Эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Ислом КАРИМОВ



Ҳамидилдин ТУРАЕВ олган сурат.

Тупроғи кўзимга тўтиё, юртим!

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,
ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!



ПИРИ КОМИЛ

Бундан беш йил муқаддам Президент Ислом Каримов Олий Мажлис минбаридан туриб, халқимизни Алишер Навоий тилини тушуниш даражасига кўтариш масаласини давлат ва жамият ривожининг кун тартибидаги долзарб вазифа мақомида кўндаланг қўйган эдилар. Ўшанда Юртбошимиз Навоий асарларини умумхалқ миқёсида тушунишни шакллантириш, Навоийни англашнинг мақсад-моҳияти, аҳамияти ҳақида қимматли фикрларни айта туриб, яна шундай деган эдилар: "Олдинги Олий Мажлисда бир депутат бор эди, мана шу ерда ўтирарди (доимий ўтирадиган жойини кўрсатадилар), сўзга чиққанида Навоийдан шеърлар айтиб гапирарди. Мен Навоийнинг шеърларини ёддан айтадиган кишиларни яхши кўраман". Шубҳасиз, Президентимиз Олий Мажлисда фикрларини Алишер Навоийнинг байту ғазаллари билан далиллаб гапирадиган ягона депутат, академик Азиз Қаюмовни назарда тутган эдилар. Ушбу илтифотнинг боиси шундаки, Азиз Қаюмовнинг ҳар бир нутқи Алишер Навоийнинг эзгу, инсонпарвар, халқпарвар, тараққийпарвар ғоялари, панду насиҳатлари билан суғорилган бўлади.

(Давоми 7-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи,
халқ фаровонлиги

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – МУҲИМ МЕЗОН

Мамлакатимизда фуқаролараро, миллатлараро тотувликка, аҳилликка улкан эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳатто бу борада Бош Қомусимизда ҳам баён этилганини яхши биламиз. Айнан ана шу омилнинг ҳам ижтимоий барқарорликни таъминлашда устувор бир аҳамият касб этишини биламиз.

Шу ўринда бироз фалсафий мушоҳадага урғу бериб, миллатлараро тотувлик нима, деган саволга жавоб бериб ўтайлик. Таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур ғоя умумбашарий бир қадрият ҳисобланиб, тинчлик ва барқарорликнинг муҳим кафолатидир. Яна шуни айтиш мумкинки, бу ғоя бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир. Ушбу ғояга теран назар ташласак, унинг замирида ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратувчи ҳамда уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этувчи куч борлигини англаймиз.

(Давоми 7-бетда).

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг Санкт-Петербург саммитида Ўзбекистон Республикаси мазкур ташкилотга расман аъзо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24-25 январь кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб, Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Давлатлараро кенгашида иштирок этди.

Маълумки, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг 2005 йил 6-7 октябрь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган саммитида МОҲТ билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини бирлаштиришга келишиб олинган эди. Мазкур икки ташкилотнинг мақсад ва вазифалари кўп жиҳатдан ўхшаш ва бир-бирига яқин. Тузилмаларнинг бирлашиши тўғрисидаги келишув эса мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сафидан жой олишига олиб келди.

Бу тўғрида ўтган йилнинг октябридаёқ келишувга эришилгани боис Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг эндиги саммити Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг иштирокида Президентларнинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда асосий диққат-эътибор мамлакатимизнинг Ҳамжамиятга аъзо бўлиб кириши билан боғлиқ масалага қаратилди. Янги шаклланаётган Ҳамжамиятнинг имкониятлари кенгаяётгани, Ўзбекистоннинг салоҳияти Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги интеграция жараёнларини янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Давлатлараро кенгашнинг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Албатта, Ўзбекистон Ҳамжамият сафига қўшилганидан кейин ташкилотнинг мазмун-моҳияти сезиларли даражада ўзгаради. Демак, ташкилотнинг режаларини, унинг доирасидаги икки ва кўп томонлама муносабатларнинг механизмларини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Президентлар бу хусусда фикр алмашар эканлар, Ҳамжамиятнинг фақат иқтисодий тузилма эмас, халқаро ташкилот сифатида ҳам нуфузи ошиб бораётганини таъкидладилар.

Шу ўринда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ҳақида. 1995 йилда тузилган Божхона иттифоқи негизида ташкил топган Ҳамжамиятнинг стратегик мақсадлари аъзо давлатлар ўртасида интеграцияни ривожлантиришга қаратилган. Бу мураккаб вазифа босқичма-босқич Эркин савдо зонасини ташкил этиш, кейинчалик Божхона иттифоқини тузишдан иборат. Буларнинг барчаси ягона умумий бозор шаклланишига олиб келади.

Бугун бу атаманинг моҳиятини алоҳида очишга ҳожат йўқ. Умумий бозорни таърифлаш учун ҳозирги Европа Иттифоқини мисол келтиришнинг ўзи кифоя. Яъни, аъзо мамлакатлар орасида ишчи кучи, товарлар ва хизматлар эркин ҳаракатда бўлади. Божхона тўловлари фақат учинчи мамлакатдан келадиган товарлар учун жорий этилади ва улар ҳам бир марта олинади.

(Давоми 2-бетда).

Президент табригидан руҳланиб

«ЭНГ МУҲИМ ВА ОЛИЖАНОБ ВАЗИФА»

Кейинги вақтда Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазият Қуролли Кучларимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини яққолроқ намоён этмоқда. Айни кунларда дунё муаммосига айланган халқаро террорчилик, экстремизм, наркоагрессия мамлакатимиз учун ҳам жиддий таҳдидга айланмоқда. Ана шундай таҳдидни бартараф эта оладиган куч, юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бу – мамлакатимиз Қуролли Кучларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»да ўтган йиллар давомида Қуролли Кучларимиз жанговар қобилиятини ошириш юзасидан олиб борилган ишларга юксак баҳо берди. Унда жумладан, шундай дейилади: «Биз ўтган давр мобайнида миллий Қуролли Кучларимизни шакллантириш, стратегик ва тактик вазифаларни бугунги кун талаблари даражасида ҳал қила оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимиз ва бутун минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган армияни барпо этиш йўлида кўп ишларни амалга оширдик».

Амалга оширилган бундай улкан ишларда республика Қуролли Кучлар Академияси жамоасининг ҳам муносиб ўрни бор. Олий даргоҳ мураббий ва ўқитувчилари ҳақида гап кетганда уларни шаклланиш йўлининг ҳақиқий фидойилари десак, муболаға қилмаган бўламиз. Бу ерда таҳсил олган Қуролли Кучларимизнинг ёш, илғор, умидли офицерлари бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, жанговар санъат сирларини пухта эгаллаган, билимдон мутаҳассислар сифатида ҳарбий жамоаларга етакчилик қилмоқдалар.

Қисқа сатрларда мамлакатимизнинг энг нуфузли олий ҳарбий даргоҳи фаолияти ҳақида батафсил ҳикоя қилишнинг имкони йўқ, албатта. Аммо шуни ишонч билан таъкидлаш мумкинки, бу ерда мустақил юртимиз, заҳматкаш халқимизга қаратилган ҳар қандай таҳдид ва тажовузни бартараф эта оладиган Қуролли Кучларимизнинг стратегия ва тактикасини янада такомиллаштиришга қаратилган катта изланишлар қилинмоқда. Бунинг учун бизда қулай шароит ва имкониятлар мавжуддир. Барча талабларга жавоб бера оладиган моддий-техник ва ўқув базалари, замонавий компьютер техникалари, коммуникация ва ахборот технологиялари ҳамда юқори сифатли таълим воситалари тингловчиларимизнинг ҳарб илмини қунт билан эгаллашлари учун хизмат қилмоқда.

Полковник Карим Турдиалиев етакчилик қилаётган қўшинларни бошқариш ва штаблар хизмати кафедраси жамоаси ҳам барча ватандошларимиз қатори Юртбошимизнинг «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»ни қизғин кутиб олдилар. Ушбу табрикда ҳарбийларимиз фаолиятига юксак баҳо берилиши билан бир қаторда ўта муҳим вазифалар ҳам белгилаб берилган. Бу ўта муҳим вазифалар Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли бурчни зиммасига олган ҳар бир ҳарбий хизматчи учун катта дастуриламал бўла олади. Ўз фикримни шу ерда мухтасар қилар эканман, айнан қуйидаги сатрларга деярли ҳар биримиз амал қилмоғимиз лозимлигига эътиборингизни тортмоқчиман: «...бепарволик ва лоқайдлик каби иллатлардан бутунлай халос бўлишимиз... даркор».

Подполковник
Шавкат ОРТИҚОВ,
Қуролли Кучлар Академияси ўқитувчиси.

Муштарийларимизга

АРМИЯ – ҲАЁТ МАКТАБИ

Бугунги кунда армия сафларида хизмат қилиш ҳар бир йигит учун шон-шараф ишига айланди. Қуролли Кучлар соҳасида муваффақиятли амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳарбий хизматнинг, армиямизнинг нуфузини оширмоқда. Биргина муддатли ҳарбий хизматчиларга яратилаётган имтиёзларга назар ташлайлик: аскар хизмати давомида ижтимоий-сиёсий, жанговар тайёргарликлардан ташқари ўқишга кириши учун қўшимча 4 соатлик машғулотларда сабоқ олади, тегишли тавсияномани қўлга киритса, 25 фоизлик имтиёзга эга бўлади, хоҳласа, олий маълумот, хоҳласа, ҳарбий маълумот олиши мумкин, ишга жойлашишда ҳам армия хизматини ўтаганлиги боис маълум устунлик ҳуқуқига эга. Агар у ҳарбий хизматни давом эттирмоқчи бўлса, марҳамат, шартнома-контракт бўйича хизматда қолиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, армия йигитни ҳаётга тайёрлайди, маънавий ва жисмоний жиҳатдан чиниқтиради.

Шу боис ҳам ҳар бир чақирилувчи эгнига ҳарбий либос кийиб, аскар бўлиш иштиёқида ёнмоқда. Ана шу иштиёқ сабаб ўқимоқда, ўрганмоқда, изланмоқда.

Бугун умумтаълим мактабларида, коллеж, лицейларда, ҳар бир маҳаллада йигитларимизнинг ватанпарварлик тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам жиддий эътибор қаратилган.

Қувонарли ҳол. Аслида давлатимиз раҳбарининг «Ватан ҳимоячиларига байрам табригида» ҳам ана шундай вазифа илгари сурилган.

Бу вазифани бажариш давлат ва жамоат ташкилотларининг, қолаверса, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

ТАҲРИРИЯТ

К нашим читателям

АРМИЯ – ШКОЛА ЖИЗНИ

В настоящее время служба в армейских рядах превратилась в дело чести для каждого молодого человека. Успешное претворение в жизнь реформы Вооруженных Сил повысило престиж военной службы, армии в обществе.

Для понимания этого достаточно лишь одного взгляда на льготы, предоставленные военнослужащим срочной службы: солдат во время службы, помимо боевой и общественно-политической подготовки, в течение 4 часов в неделю дополнительно занимается с целью поступления в вузы, если удостоится соответствующей Рекомендации, то получает льготу – 25 процентов от максимальной суммы баллов, волен выбирать гражданский или военный вуз для поступления, да и при трудоустройстве после службы в армии имеет определенные преимущества перед сверстниками.

Если же он захочет остаться в армейском строю, то может продолжить службу по контракту. Словом, армия готовит юношу к жизни, закаливает духовно и физически.

Именно поэтому каждый призывник горит желанием надеть военную форму и стать солдатом. И это горение дает энергию для учебы, поиска.

Сегодня в общеобразовательных школах, колледжах, лицеях, в каждой махалле уделяется очень высокое внимание патриотическому воспитанию молодежи. И это отрадно. Ведь и в Праздничном поздравлении защитникам Родины главой нашего государства поставлена именно такая задача.

Выполнение этой задачи является священным долгом государственных и общественных организаций, каждого из нас.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ



3 ҚАРОР ВА ИЖРО

ҚЎШИМЧА МАШҒУЛОТЛАР



5 ЯХШИ ДАМ – ХИЗМАТГА ҲАМДАМ

ҚИЗИҚАРЛИ ИЖОДИЙ УЧРАШУВ



8 ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!

ҲАФТА ГЎЗАЛИ



10 ҲАРБИЙЛАР ОИЛАСИ

САДОҚАТДАН ОЧИЛГАН ҒУНЧА

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Товарлар ва хизматлар учун ички чегаралар очиқ, ташқи чегара эса умумий. Шундай бўлгач, табиийки, аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро масъулиятлилик ва айни вақтда ўзаро ишонч мустаҳкамланиб боради.

Буларнинг барчаси давлатлараро муносабатларни иқтисодий ҳамкорлик асосида ривожлантириш, бошқача айтганда, интеграцияни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бугунги воқелик шундан гувоҳлик беради, якка-ёлғиз ривож топган ёки тараққий топаётган мамлакатни топиш қийин. Куч-қудрати, имконияту салоҳияти, мавқеи қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар бир давлат хориж билан ҳамкорлик қилишга мажбур. Бинобарин, бугунги кунда иқтисодий алоқалар сиёсий ҳамкорликни белгиловчи асосий омил бўлиб қолмоқда.

Ана шундай шароитда Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан МОҲТ билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг бирлаштирилиши замон талабларига мос ҳаракат сифатида намоён бўлади.

Президент Ислом Каримов бу жараёнда Ўзбекистон манфаатлари нималардан иборат эканлигини аниқ ифодалаб берди. Дастлаб шуни қайд этиш керакки, истиқлолга эришганидан кейин мамлакатимизнинг ташқи сиёсатида, аввало, қўшнилар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга устувор масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Бошқача айтганда, биз қўшни сифатида бир-биримизга елкадош бўлиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, ҳамкорликни кенгайтириш йўлини тутмоғимиз зарур. Таъбир жоиз бўлса, ўзаро ҳамкорлик бир-биримиз учун ҳам умумий мақсад, ҳам умумий бурч саналади.

Иккинчи томондан, ҳозирги кунда Марказий Осиёда вазият шу қадар шиддат билан ўзгармоқдаки, бундай шароитда бамаслаҳат иш юритилмаса, минтақадаги барқарорлик хавф остида қолиши ҳеч гап эмас. Бу ерда катта геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлар тўқнаш келаётир. Мана шу шароитдан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлаётган айрим ёвуз кучлар экстремистик ташкилотларни фитна қуроли сифатида ишга солишдан ҳам қайтмаётир.

Демак, МОҲТ билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг бирлашиши орқали Евроосиёдаги олти мамлакат бехавотир ҳаётни таъминлаш учун баҳамжиҳат ҳаракат қилади. Давлатлараро муносабатларда иқтисодий манфаатдорлик ҳар бир мамлакатни ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ундайди. Бу эса ўзаро ҳамкор давлатларнинг бир-бири учун кўпроқ қайғуришига, бинобарин, хавфсизлик соҳасидаги алоқаларнинг ҳар томонлама ривожланишига олиб келади. Зеро, халқимиз қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деб бекорга айтмаган.

Ўзбекистоннинг ушбу Ҳамжамиятга аъзо бўлиши Евроосиё минтақасида йирик лойиҳаларни тузиш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Транспорт коммуникациялари, энергетика, халқаро савдо – булар муҳокама учун мавзу бўладиган соҳаларнинг бир қисми, холос. Айтайлик, мамлакатимизда етиштириладиган пахта, чорва, қоракўл, полиз маҳсулотлари ё мевалар учун Россия ёки Беларуснинг ўзи катта бозор. Мисол учун ана шундай ноёб товарлар кейинчалик Россия ва Беларусь орқали Европага ҳам чиқиши осонлашишини инобатга олсак, Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг имкониятлари янада ойдинлашади.

Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сафидан жой олиши Ҳамжамиятнинг ҳар бир аъзоси учун манфаатлидир. Мамлакатимиз енгил ва оғир саноат, савдо, машинасозлик, самолётсозлик, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, энергетика, коммуникация, жумладан, транзит соҳасида ва бошқа йўналишларда катта имкониятларга эга.

Санкт-Петербург саммити якунида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши тўғрисидаги протокол ҳамда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро кенгашининг «Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши муносабати билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти органлари фаолиятини ташкилий-молиявий таъминлаш тўғрисида», «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш тўғрисида»ги қарорлар имзоланди.

Президент Ислом Каримовнинг Россияга мазкур ташрифи асносида Ўзбекистон–Россия ҳамкорлигига доир ва айни пайтда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги алоқаларнинг ривожига бевосита таъсир этувчи яна бир неча муҳим келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерациясининг «Газпром» очиқ акционерлик жамияти ўртасида Ўзбекистон Республикаси Уст-Юрт минтақасидаги Урга, Қувонч ва Ақчалак конларини ўзлаштириш тўғрисидаги битимнинг асосий тамойил ва низомлари тўғрисидаги битим, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ОАЖ ўртасида Ўзбекистоннинг Уст-Юрт минтақасидаги сармоявий блоклар ҳудудларида геологик тадқиқотлар ўтказишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги битим имзоланди.

Уст-Юртдаги нефть-газ конларини ўрганиш ва ўзлаштиришни кўзда тутувчи бу ҳужжатларнинг умумий қиймати 660 миллион АҚШ долларига тенгдир. Шу тариқа, «Газпром»нинг Ўзбекистонга киритадиган лойиҳаси умумий ҳисобда 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошади. Мазкур икки битимнинг Ҳамжамият саммити доирасида имзоланиши ушбу ҳужжатларнинг аҳамияти икки томонлама муносабатлар доирасидан анча кенг эканлигига яна бир далилдир.

Саммит якунида бўлган матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб кириши ушбу тузилманинг салоҳиятини ҳар томонлама оширишини алоҳида таъкидлади. Биргина энергетика соҳасини оладиган бўлсак, Уст-Юрт минтақасида амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳаларнинг ўзи истиқболда ҳамкорлик кўлами нечоғли кенгайишидан ёрқин далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига ташрифи ана шундай самаралар билан якунланди. Воқеалар ривожи ва тафсилотларни кузатиб, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, умумий мақсадлар йўлида ҳамжиҳатлик билан ташланган бундай дадил қадамлар самараси яқин келажакда Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар халқлари ҳаётида ўзининг ёрқин ифодасини топиши шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент – Санкт-Петербург – Тошкент.

Сборы артиллеристов

ОПРЕДЕЛЕНЫ НОВЫЕ «ОРИЕНТИРЫ»

Учебно-методические сборы с начальниками отделов артиллерии военных округов, командирами артиллерийских частей и начальниками артиллерии общевойсковых соединений, проведенные на базе одной из воинских частей в Центральном военном округе, были подчинены именно этой цели: подведение итогов прошлого года и определение ориентиров на год нынешний. Причем был на сборах и «Ориентир-1», о нем и об остальных подробностях рассказывает в комментарии к данному событию начальник отдела Управления артиллерии Объединенного штаба Вооруженных Сил подполковник Юрий САДЖИД.

– Товарищ подполковник, как было организовано данное плановое мероприятие?

– Учебно-методический сбор с начальниками отделов артиллерии округов, командирами артиллерийских бригад и начальниками артиллерии общевойсковых бригад был проведен на высоком уровне в полном соответствии с Планом подготовки Вооруженных Сил Республики Узбекистан в 2006 году и требованиями Приказа начальника Объединенного штаба.

Для организации и проведения сбора привлекались офицеры Управления артиллерии. В ходе сбора с начальниками отделов артиллерии округов, командирами артиллерийских частей и начальниками артиллерии общевойсковых частей были подведены итоги за 2005 год, доведены основные требования руководящих документов. Полковником З. Садриддиновым, командующим артиллерией – начальником Управления артиллерии Объединенного штаба Вооруженных Сил, были поставлены конкретные задачи по четкой организации сбора.

– По каким основным темам прошли лекционные занятия?

– В первую очередь, речь шла об особенностях применения артиллерии при проведении специальных операций, а также проверены знания порядка производства тактических расчетов (распределение сил и средств, планирование маршей, инженерного оборудования позиций). Дополнительно изучены принципы боевого применения артиллерийских дивизионов большой мощности, уделено внимание видам боевого и тылового обеспечения артиллерийских подразделений, организации и планированию боевого применения подразделений артиллерийской разведки.

– Применялась ли такая форма, как проведение семинарских занятий?

– Наряду с лекциями, прочитанными подполковниками И.Кимом, А.Ханом, а также майорами А. Евсеевым и И.Юлдашевым, проведены и семинары по использованию программного обеспечения ПК «Артиллерия», его возможностям в решении задач по стрельбе и управлению огнем, порядку огневого поражения артиллерии согласно новым требованиям.

– Предусматривалось ли повышение инструкторско-методического мастерства офицеров такого высокого уровня?

– С участниками сборов проведены инструкторско-методические занятия по комплексам командирских машин управления, их составу, боевым возможностям и перспективам развития, организации и порядку проведения тренировок по стрельбе и управлению огнем, порядку оборудования МАП и его эксплуатации.

– Какими новшествами удалось порадовать привлеченный на сборы офицерский состав?

– На практических занятиях по использованию программного обеспечения «Ориентир-1» для определения дирекционных углов Солнца на любой промежуток времени каждый участник сборов получил практику в использовании программного обеспечения, сравнив эффективность и удобство его использования с устаревшим расчетным методом.

– Поскольку здесь подводились итоги года, то вполне вероятно, что определялись и лучшие. Так кто же на сборах проявил себя с лучшей стороны?

– По единодушному мнению администрации сборов, ими стали подполковники Шухрат Наримов и Мирсодик Расулов. Символично, что эти офицеры представляют Ташкентский и Юго-Западный особый военные округа, где традиционно уделяется повышенное внимание боевой учебе артиллеристов. Коллегам есть чему у них поучиться.

Беседовал майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

Идет зимняя боевая учеба

ЧТОБЫ ОБЕЗВРЕДИТЬ МИНУ


В инженерно-саперном взводе под командованием старшего лейтенанта Сахобиддина Абдурахмонова уделяется самое пристальное внимание закреплению на практике теоретических знаний личного состава. В этих целях подразделение активно применяет форму полевых выходов.

Если в декабре воины отрабатывали программу боевой учебы, в основном, в классах и на территории части, то с января наступает долгожданная пора полевых выходов. Например, для проведения занятия по обезвреживанию мин и других взрывных устройств вовсе не обязательно выезжать надолго на окружную базу полевой подготовки войск. Достаточно вывести свое подразделение на прилегающий к части безлюдный участок сельской местности, чтобы воины лучше почувствовали атмосферу учебного боя.

Для уроженца Наманганской области рядового Тургунбая Нурматова эти практические занятия дают еще одну прекрасную возможность проверить в деле свои навыки в освоении воинской профессии сапера. Солдат помнит те времена, когда неопытным новобранцем ему приходилось проходить нелегкое испытание по обнаружению и разминированию взрывного устройства. А теперь им вместе с рядовым Адхамом Тангирбердиевым из Коканда, с автоматом в руках ведущим наблюдение за местностью, поставлена обратная задача: максимально скрытно поставить учебную мину, чтобы усложнить новобранцам осеннего призыва задачу по ее обнаружению.

Холода не помешали воинам скинуть бушлаты и энергично взяться за дело, чтобы к прибытию сослуживцев успеть завершить работу. Можно не сомневаться, что экзамен на зрелость будет нелегким и заложит прочный фундамент грядущих успехов. Обучение построено с таким расчетом – пусть уж лучше саперам придется помучиться над поиском и обезвреживанием учебной мины, нежели в реальном бою допустить оплошность. Цена ошибки или невнимательности тогда может стать очень высокой...

Майор Алмас АБЛАЕВ.
Фото Ярослава КОРУКИ.



Сержантлар – армиямизнинг суянчи ва таянчи

ШАРАФЛИ КАСБГА МУҲАББАТ

Офицерларнинг шахсий намунаси, хулқ-атвори, ўзларини тутишлари, касбларига бўлган чексиз садоқатлари ҳам муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларда армия билан ҳаётларини боғлашга кучли истак уйғотади. Чунки улар ҳарбийларга хос маданият билан Ватан ҳимоячисининг юксак рутбаси, юксак мақомини ўз фаолиятлари орқали маҳорат билан кўрсата биладилар. Подполковник Ихтиёр Худойназаров, майор Ғанишер Қурбоновлар посбонлар билан ишлаганда офицерларга хос олижаноб фазилатларнинг барчасини намойиш қила олдилар. Бундай дейишимизга сабаб, мақоламиз қаҳрамони шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Исомиддин Эшқулов ана шу офицерлар қўл остида хизмат қилди. Айнан шу инсонларнинг фидойиларча фаолиятлари Исомиддинда шарафли касбга муҳаббат уйғотган.

Кўп фарзандлилик миллатимизга хос ҳолат. Бундай оилаларда улғайган болаларда жамоа бўлиб яшаш, хизмат қилиш нисбатан осон кечади. Чунки улар оила бағридаёқ кўпчилик манфаатини ҳурмат қилиб, бир-бирига кўмак бериб улғаядилар. Исомиддин ҳам ана шундай оилада туғилиб вояга етган. Оддий қишлоқ оиласида, дунё каби кўҳна ва оддий фалсафа – ҳалоллик, садоқат, орият, тантилик руҳида тарбия топди. Ва шу тарбияси туфайли бугун кўпнинг ҳурматига сазовор. Унинг ота-онаси олий ёки махсус даргоҳларда таҳсил олишмаган. Уларнинг тарбиясини олган ўн икки фарзандинг ҳар бири жамиятда ўз ўрнини муносиб равишда топишди. Оиланинг кенжа фарзанди Фурқат ҳам акаси изидан бориб, ҳарбийлик касбига меҳр қўйди. Олис Сурхондарё вилоятининг чекка қишлоғида миллат, юрт юкига елкадош фарзандлар тарбиялаб, вояга етказган оила, ота-она ҳақли равишда ҳурматга, юксак эътирофга сазовордир.

Исомиддин мактабни тамомлагандан сўнг Шўрчи туманидаги Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти қошида ташкил этилган ҳайдовчилар тайёрлаш курсида ўқиди. Ҳайдовчилик касбини танлаб адашмаганини ҳарбий хизматга келиб яна бир бор англади. Айнан шу касби туфайли ҳам ҳарбий хизмат олдидан бўладиган ғоят жиддий кўрик-танловда тенгдошларидан кўра бирмунча юқори балл тўплаган эди.

Хизматда бўладиган дастлабки кунлар қийинчилиги йигитни сира чўчитиб қўймади. Болаликдан уй ва дала юмушларида суяги қотган Исомиддин унча-мунча қийинчиликни ҳам писанд этмасди. Меҳнаткаш, эпчил, ўз ишини бекаму кўст уддалайдиган, бу орада бошқаларга ҳам ёрдам беришга улгурадиган посбон тез орада командирлари назарига тушди. Қувноқ, ҳар қандай қийин вазиятни ҳам самимияти билан юмшата оладиган йигитни сафдошлари ҳам чин дилдан ҳурмат қилишади.

Исомиддин хизмат қилаётган жамоада кўплаб йигитлар хизматда қолиш истагини билдирдилар. Жумладан, у ҳам. Бироқ бу жиддий вазифа бўлиб, биргина истакнинг ўзи ҳеч нарсани ҳал қилмас эди. Ниҳоят, узоқ давом этган текширув ва синовлардан кейин бир гуруҳ йигитлар Самарқанд шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабига ўқишга қабул қилиндилар. Исомиддинга ҳам омад кулиб боқди. Бу ерда ўз касбининг усталари бўлган мутахассис офицерлар – капитан Шавкат Арзиқулов, катта лейтенант Жаҳонгир Ҳайитовлардан жанговар санъат сирларидан сабоқ олди. У мактабда ҳам энг намунали курсант сифатида кўпчиликка ўрнак бўлди. Сержантлар тайёрлаш мактабида бир вақтнинг ўзида унинг хизматдош дўстлари – Шоҳрух Ҳасанов, Жамол Бозоровлар ҳам таҳсил олишди. Айни кунларда ҳам бу кичик командирлар битта жамоада хизмат қилмоқдалар.

Ҳарбий жамоа ёзги ўқув мавсуми машғулотларини уюшқоқлик билан ўтказмоқда. Ҳайдовчилар гуруҳининг бу борадаги фаолияти мақтанишга арзийди. Бунда албатта, гуруҳ командирининг ўринбосари Исомиддин Эшқуловнинг шахсий намунаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Кичик командир ҳайдовчилар – оддий аскар Ориф Ёдгоров, Иқбол Ҳусановлар хизматидан мамнун эканлигини яширмайди. Қизғин ўқув машғулотлари палласида посбонлар кичик командирнинг ишончини оқлашиб, устоз офицерларнинг эътирофига сазовор бўлишмоқда.

– Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Исомиддин Эшқулов батартиб, интизомлилиги билан бошқалардан ажралиб туради, – дейди подполковник Шерали Муҳиддинов. – Топширилган вазифани ўринлатиб бажаради. Бугунги кун сержантидан талаб қилинадиган барча фазилатлар унда мужассам, десам муболаға бўлмайди. Офицерга яқин ёрдамчи, аскарларнинг ишончли дўсти, маслаҳатчиси бўлган бундай кичик командирлар жамоамизнинг фахридир.

Исомиддин барча ёшлар каби мусиқага ўч. Хизматдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишга интилади. Тарихий мавзудаги асарлар билан бирга детектив романларни ҳам севиб мутолаа қилади. Бир сўз билан айтганда, қизиқишлари интиҳо билмайдиган жўшқин табиатли инсон.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

У воинов-пограничников

ГРАНИЦА – НАША ЖИЗНЬ





По достоинству оценен ратный труд воинов-пограничников, бдительно стоящих на страже независимости нашей страны, – в честь Дня защитников Родины один из воинских коллективов награжден орденом Джалолиддина Мангуберди. Успех южных коллег служит примером для подражания. На передовиков равняются, стремятся не отставать, а по возможности и превзойти их по тем или иным параметрам. Такое здоровое соперничество приносит только пользу. В частности, высокими показателями в служебно-боевой деятельности могут похвастать представители восточных рубежей под командованием офицера Авазбека Буриева.

Не один десяток километров границы здесь проходит в горных районах, что накладывает особый отпечаток на условия несения службы. Но безупречная подготовленность воинов, в том числе и физическая, позволяет им безукоризненно справляться с поставленными задачами, то есть держать границу на замке. И это неоднократно доказывали, к примеру, подчиненные капитана Баходыра Алимбаева. На счету младших сержантов по контракту Ойбека Мавлонова (кавалер медали «Жасорат»), Дилшода Каракумова, Улугбека Далабаева, Матмурода Турдыева уже не одно задержание нарушителей, в ходе которых, порой рискуя собственной жизнью, они демонстрировали мужество и отвагу.

У тех, кто несет службу на контрольно-пропускных постах, она менее опасна, но не менее важна и ответственна. Отрадно, что наравне с мужчинами все тяготы службы разделяют женщины. Контролер 2-й категории младший сержант по контракту Фатима Ишанкулова уже шестой год в Пограничных войсках и не намерена расставаться с ними в дальнейшем. «Граница – моя жизнь», – говорит Фатима. Впрочем, эти глубокие по смыслу слова с уверенностью может произнести каждый, кто посвятил себя благородной профессии пограничника.

Вячеслав ЛЬВОВ.
Фото автора.

Халқимизда «Эл эътиборидан айирмасин», деган пурҳикмат ибора бор. Бу сўзларнинг қанчалик жозибали ва беқиёслигини эса таърифлашга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз. Зеро, эътибор топиш, топганда ҳам кўпчиликнинг иззат-ҳурматини қозониб, бу даражага эришишнинг ўзи бўлмайди.

Маълумки, «Ватанпарвар» газетаси халқаро миқёсда эътиборга тушиб, аср мукофотига муносиб кўрилгани ҳақида севимли нашрингизнинг ўтган сонида хабар берган эдик. Қарангки, хушхабардан руҳланган кўплаб муштарийларимиз таҳририятга мактуб йўллашиб, нуфузли мукофот билан муборакбод этмоқдалар. Қуйида ана шундай қутлов мактубларидан айримлари билан танишасиз.

ЭЪТИРОФДАН РУҲЛАНИБ

Очиғи, «Ватанпарвар» газетасининг доимий мухлисига айланганман. Газета саҳифасида кўнглимга маъқул бирон-бир материал чоп этилган бўлса, дарҳол таҳририятга қўнғироқ қилиб, миннатдорчилик билдираман. «Ватанпарвар»нинг 20 январда чоп этилган сонини қўлга олдиму қувончдан бошим осмонга етди. «Бўларкан-ку, ҳали биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, кам бўлмаслигимизни кўп бора исботлаймиз», деб юбордим баралла. Бунга сабаб, газетанинг «Аср халқаро сифат мукофоти»га сазовор бўлгани ҳақидаги хабар эди. Уни ўқидиму шошa-пиша таҳририятга қўнғироқ қилиб, ижодий жамоани табриклашга қарор қилдим. Ёзувчи, журналист, ҳам «Ватанпарвар»нинг муштарийси сифатида бу халқаро эътироф мени жуда руҳлантирди. Ижодий жамоага янги-янги марраларни эгаллашларида муваффақиятлар тилар эканман, шу ўринда айрим фикрларимни ҳам билдириб ўтмоқчиман. Бу улкан ютуқдан руҳланиб, газетанинг сифат ва мазмунини янада шакллантиришга жамоа эътибор қаратиши шубҳасиз. Шу маънода мен истардимки, газета саҳифаларида тарихий мавзуларга, айниқса, саркарда боболаримизнинг жанг тарихлари билан боғлиқ мавзуга кенг ўрин берилса. Шунингдек, абабиёт саҳифасида ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган асарлардан парчалар чоп этилса, нур устига аъло нур бўларди.

Жўра ФОЗИЛ,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

УСПЕХ СОПУТСТВУЕТ ДОСТОЙНЫМ

Лучше один раз увидеть... Вспомнилась эта поговорка, когда в газете «Ватанпарвар» узнал, что издание было удостоено Международного приза «Эра качества», учрежденного частной компанией «Business Initiative Directions». При оценке деятельности кандидатов учредители приза учитывают удовлетворенность клиента, лидерство, постоянное повышение квалификации. Я заинтересовался этой информацией неспроста. Так как с прошлого года работаю в областной газете «Новости Кашкадарьи», занимаюсь набором материалов и версткой полос, знаю, что от подачи материала в газете зависит успех любой публикации. Специально ознакомившись с несколькими последними номерами газеты «Ватанпарвар», сравнив их с экземплярами прежних лет, – их я отыскал в областной библиотеке им. Насафий, удостоверился, что награда вручена действительно достойным.

В прежние годы «Ватанпарвар» печатался по старой технологии высокой печати. Теперь это полноцветная газета. Разница ощутима и в содержании публикуемых материалов. В общем, поменяв «лицо», газета набрала читателей не только среди военнослужащих, но и в широких молодежных кругах.

Уверен, что ко второму полугодию, совпадающему с 14-летием со дня выхода первого номера газеты «Ватанпарвар», тираж его достигнет еще большего количества.

Дмитрий ИВКИН, город Карши.

БИЗ ҲАМ МАМНУНМИЗ

Сўнгги бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида севимли газетамиз «Ватанпарвар» тубдан ўзгариб кетди. Бундай улкан ўзгаришлар унинг доимий мухлислари бўлган биз ҳарбийларни ҳам бефарқ қолдирган эмас. Турли мавзудаги турли тонфа ўқувчиларга мўлжалланган ранг-баранг мақола ва фотосуратлар сифати билан кўпчиликни ўзига тортади. Биз бундан мамнунмиз.

«Ватанпарвар» газетаси бизнес ташаббускорлиги директциясининг (БТД) халқаро мукофоти – «Аср халқаро сифат мукофоти»га сазовор бўлганлигидан хабар топиб, янада мамнун бўлдик. Ушбу юксак эътироф газета ижодий жамоасининг катта хизматлари туфайли, албатта. Келажакда ҳам севимли газетамиз бундан-да юксак мукофотлар соҳиби бўлишига тилак билдирамиз.

Майор Маъруф ЮНУСОВ.

Изучая Поздравление Президента

ЗАДАЧИ БУДУТ ВЫПОЛНЕНЫ

Праздничное поздравление Президента Республики Узбекистан И.Каримова защитникам Родины нашло горячий отклик у личного состава Караульных войск. Повсеместно в целях его глубокого изучения проводятся беседы и общественно-политические информации, воины изучают и говорят о нем, обсуждают задачи, выдвинутые Верховным Главнокомандующим перед Вооруженными Силами, дают им свою оценку. Вот что сказали в ходе бесед военнослужащие войск.

Полковник Ж.МУХАМЕДОВ, заместитель начальника управления по работе с личным составом ГУКВ:

– Сверхважной задачей военных кадров назвал Президент И.Каримов задачу «пересмотра постановки в армии воспитательной, морально-психологической, общественно-политической подготовки». И это, я считаю, требует от нас, офицеров-воспитателей, еще большей ответственности, инициативы и творчества в работе с личным составом, повышения качества и эффективности проводимых в частях и подразделениях воспитательных мероприятий.

Важно то, что в Праздничном поздравлении даны и основные направления нашей работы. Это воспитание у воинов высоких моральных и духовно-нравственных качеств, выработка активной жизненной позиции и патриотизма, укрепление в сознании каждого военнослужащего собственного мнения и чувства сопричастности ко всему тому, что происходит в Вооруженных Силах, в нашей стране и за ее пределами. Именно этими критериями надо оценивать и воинскую службу, и вклад в общее дело каждого офицера.

Майор У.БАРАТОВ, заместитель командира части по воспитательной работе:

– Президент в своем Праздничном поздравлении дал высокую оценку Вооруженным Силам, профессии военного и подвел некоторые итоги реализации Государственной программы по преобразованию и реформированию Вооруженных Сил страны. Об этом говорят его слова: «Вооруженные Силы всегда были, есть и будут надежной гарантией свободы и независимости страны, реализации масштабных планов демократических преобразований и формирования гражданского общества, обеспечения мира и спокойствия на нашей земле», и что «те, кто посвятил себя важнейшей и благороднейшей профессии защитника Родины, всегда будут пользоваться заслуженным авторитетом и почетом». Такая оценка ратного воинского труда вдохновляет воинов на добрые дела, на ревностное служение Родине и народу.

Задачи, определенные в Поздравлении, – это целостная программа нашей дальнейшей деятельности.

Старший сержант К.ХАЛИМОВ, начальник караула, награжденный медалью «Жасорат»:

– В связи с получением правительственной награды мне выпала высокая честь быть на торжественном собрании во Дворце «Туркистон» и слушать Праздничное поздравление Президента, когда оно еще не было опубликовано в печати. Многие его слова для меня близки и понятны, особенно о том, что необходимо полностью избавиться от беспечности и благодушия, постоянно повышать боевую готовность, бдительность и настороженность, быть ответственным за дело, которому служишь. Это особенно важно нашим воинам, ведь они ежедневно выполняют ответственные служебно-боевые задачи и находятся на переднем крае борьбы с преступниками и теми, кто пытается нарушить мирную жизнь народа, дестабилизировать обстановку в стране. Свой долг я вижу в том, чтобы трудиться еще лучше, постоянно и настойчиво обучать и воспитывать подчиненных и никогда не останавливаться на достигнутом.

Рядовой И.АНАРБАЕВ, призванный из Андижанской области:

– С большим интересом ознакомились мы с Праздничным поздравлением защитникам Родины и благодарны Президенту нашей страны И.А.Каримову за высокую оценку ратного солдатского труда. Действительно, воинская служба для нас (а я прослужил уже 9 месяцев) – это школа физического и духовного возмужания, выработки характера и определенной жизненной позиции, приобщения к коллективу и получения разнообразных знаний и навыков. Она является не только конституционной обязанностью, но и почетным и ответственным долгом, престижной целью для молодого человека. Все мои сослуживцы горды тем, что нам оказано большое доверие – быть в рядах вооруженных защитников, и своей добросовестной службой сделаем все, чтобы оправдать его.

...Одним словом, Праздничное поздравление Президента не оставило никого равнодушным. И когда разговариваешь с людьми, то чувствуешь, что масштабные задачи, поставленные перед защитниками страны, будут, безусловно, выполнены, что офицеры, сержанты и солдаты своим упорным каждодневным трудом и практическими делами надежно обеспечат защиту суверенного Узбекистана, спокойствие и мирную жизнь его народа.

Николай ЧУРСИНОВ, полковник в отставке.

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон

ОРЗУЛАРИ ҲАЛИ ОЛДИНДА



Тарих саҳифаларига битилган не-не қаҳрамонликлар, мардликлар мавжудки, уларнинг барчаси она юрт пойига тикилган. Бундай жасоратга қодир марду майдонлар эса эр йигитлардир.

Взвод командири капитан Жаҳонгир Тожибоев ҳаётнинг бу қонунини хизматдаги ўз фидойилиги ила исботлаган мард ўғлонлардан. Ортда қолган 2005 йил тажрибали, ёш офицер учун катта синов майдонларида тобланиб, профессионаллик маҳоратини ҳар томонлама юзага чиқаришга имкон яратган йил бўлди, десак арзийди. Келинг, унинг хизмат фаолиятидан бир лавҳага эътибор қаратайлик.

Яланглигу тоғлик ҳудудлардан иборат катта синов майдони. Айни дамда Жаҳонгир етакчилигидаги взвод посбонлари шартли душманга қарши жанг олиб боради. У қўл остидаги йигитлардан кўнгли тўқ. Чунки взвод таркибидаги гуруҳларнинг барчаси ўтган ўқув машғулотларида етакчи ўринларни қўлга киритган. Шунингдек, ҳар бир гуруҳ шоввозлари зиммасига белгиланган жанговар топшириққа мукаммал тайёрланган. Буларга қарши турувчи шартли душман посбонлари ҳам тажрибали, профессионал хизматчилардан. Яъни кучлар тенг деса бўлади. Кучлиларнинг кучлисини эса ушбу жанг ҳал қилиши лозим. Аввало жангда разведканинг ўрни муҳим. Бу борада взвод командири махсус тактик тайёргарликда кучли бўлган йигитларига ишонади. Шундай қилиб, душманнинг жойлашиш таркиби, заиф бўғини аниқланди. Бу – ярим ғалаба дегани.

Жанговар машғулот муросасиз ўтди. Душман томон ҳам анойилардан эмас. Ким енгилишни, ортда қолишни истайди, дейсиз. Бироқ омад ва ғалабани биринчи галда нафақат жанговар шайлик, балки жисмоний ва тактик тайёргарлик ҳам белгилайди. Капитан Жаҳонгир Тожибоев бошчилигидаги посбонлар касбий маҳоратда ҳар томонлама устун эканликларини яна бир бор исботлашди.

Қуролли Кучларимиз қудратини юксалтиришда, нуфузини кўтаришда қаҳрамонимиздек оловқалб офицерларнинг ўрни беқиёс. Албатта, уларни малакали ҳарбий мутахассис бўлиб оёққа туришлари осон кечмаган. Ўқиш, изланиш, интилиш, яъни фидойилик зарур. Жаҳонгирнинг ҳаёт йўли ҳам худди шундай. У дастлаб Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида таълим олди. Оддий деҳқон оиласида вояга етган йигит учун офицер бўлишдек шарафли касбни эгаллаш катта бахт эди, шубҳасиз. Шу сабабли ота-онаси Азимжон ака ва Ҳамидахон опалар ўғилларининг толеидан хурсанд эдилар. Бу омад йигит учун ҳаёт йўлининг бошланиши эди, албатта. Мана, шунга ҳам саккиз йилдан зиёд вақт ўтди. Ёш офицер турли ҳарбий жамоаларда, турли вазифаларда фаолият юритди. Ўз вақтида танбеҳ эшитди, ўз навбатида мақтовларга сазовор бўлди. Энг асосийси эса тажрибали офицер сифатида тан олинди. Айни дамда капитан Жаҳонгир Тожибоев майор Бахтиёр Сафаров етакчилигидаги ҳарбий жамоада взвод командири. Унинг хизмати Президентимизнинг Фармонига кўра Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги олдидан «Жасорат» медалига лойиқ топилди.

– Бундай мукофотга сазовор бўлиш мен учун шараф, – дейди Жаҳонгир суҳбат чоғида. – Менинг хизматдаги ютуқларим ҳали олдинда. Бу мукофотни эса ҳарбий жамоамники, ҳарб илмидан сабоқ берган устозларимники деб биламан. Чунки профессионал хизматчи бўлиш учун ҳали кўп ўқиб ўрганишим, машқларда тобланишим зарур. Ҳарбийлик касби доимий интилиш ва ҳаракатни талаб этиши сир эмас. Ўз олдимга она юртга чин дилдан хизмат қилишни мақсад қилиб қўйган эканман, бу йигитлик аҳдим ҳар қандай шароитда ҳам менга таянч бўлишига ишонаман.

«Яшашга ва эркинликка ҳар куни улар учун курашувчи одамгина лойиқдир», – дейди файласуфлардан бири. Асрлар давомида ўз эътирофини топган бу ҳақиқатга барчамизданда кўра ҳарбий касб эгалари жавоб берса, ажабмас. Нега деганда, ҳурлигимизу тинчлигимиз улар қўлида, уларга ишониб топширганмиз. Элнинг ҳурмату эъзози, ишончи ҳарбийларимизга юқори эканлиги балки шундандир. Юртимиз ўғлонларининг ҳарбий касбга интилаётганлари, уни эгаллаш учун не-не синовларга шай турганлари шу сабабли-дир. Ҳозирда Жаҳонгирнинг укаси кичик сержант Аброр Тожибоев ҳам шартнома бўйича хизматда. Унинг фарзандлари ҳам келажакда юрт ҳимоясига қодир инсонлар сафида ота йўлини танласа, ажабмас. Жаҳонгирнинг катта ютуқлари эса ўзи айтганидек ҳали олдинда эканлигига ишонамиз. Зеро, жасур инсонларни жасорат йўли доимо чорлаб туради.

Зулфия ЮНУСОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

Қарор ва ижро

ҚЎШИМЧА МАШҒУЛОТЛАР

Маълумки, 2005 йил 31 октябрида Юртбошимиз «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматини ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» Қарор чиқарганди. Хўш, ушбу Қарор жойларда қандай ижро этилмоқда? Ушбу ҳужжатда: «...ҳарбий қисмлар кун тартибига, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари режаси ва дастурларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бунда ҳарбий хизматчини танлаган ихтисосликлари бўйича мамлакат олий ўқув юртларига киришлари учун ҳафтасига камида 4 соатлик қўшимча машғулотлар ўтказилиши кўзда тутилсин» дейилган.





Биз офицер Алишер Мухтарамов бошчилигидаги ҳарбий қисмда бўлганимизда, ана шу Қарор қандай бажарилаётганига эътибор қаратдик.

– Қишки ўқув мавсуми бошланишидан аввал, жанговар ва ижтимоий-сиёсий машғулотлар режаси ва дастури қайта кўриб чиқилди ва юқорида айтилган қўшимча машғулотлар ҳам киритилди, – дейди саволимизга жавобан қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Аслиддин Дўстбоев. – Қисм командири ва шахсан ўзим ушбу машғулотларга қатнашиб, аскарларимизга юртимиз тарихи, буюк аждодларимиз қолдирган маданий ва маърифий бой мероси ҳақида қизиқарли маълумотлар беришга ҳаракат қиляпмиз. Ундан ташқари, ўрта мактаблар раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, уларни ҳам мазкур машғулотларни олиб боришга жалб этиш ниятидамиз.

Тарбиячи-офицер ўтказаётган машғулотга қатнашиб, ўқишга киришга умид қилаётган ёш аскарлар фаоллигини кўриб, хурсанд бўлдик. Чунки ҳукуматимиз қароридан руҳланган йигитлар ўз билимлари захирасини оширишга астойдил киришгани Юртбошимиз томонидан кўрсатилган эътиборга амалий жавоби сифатида қимматлидир. Машғулотдан сўнг уларни суҳбатга тортдик.

– Мен иқтисодчи бўлишни орзу қиламан, – дейди оддий аскар Жамол Михлиев. – Шунинг учун мени кўпроқ Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишига доир саволлар қизиқтиради. Машғулотларда менга керакли маълумотларга эга бўлаётганимдан мамнунман.

– Мен эса тарих факультетига киришни умид қиламан, – деб қўшилди суҳбатимизга оддий аскар Ўткир Қобилов. – Капитан Дўстбоев олиб бораётган машғулотларда бой тарихий меросимизга боғлиқ кўп янги билимларга эришганим ўқишга кириш имкониятларимни кенгайтиради, деб ўйлайман.

Ахборот технологиялари университетига киришга ҳозирлик кўраётган оддий аскар Нодир Муродовни ҳарбий қисмда компьютер хонаси мавжудлиги қувонтирди. Чунки қўшимча машғулотларда янги ахборот технологиялари бераётган қулайликлардан кенг фойдаланиш имконияти борлиги Нодирни талабаликка бир қадам бўлса ҳам яқинлаштиради. Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Жамшид Абдусаломов ҳам ушбу имтиёздан фойдаланиб, олий ҳарбий билим юртига кириш учун тайёргарлик кўрмоқда. Айтишича, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кирмоқчи экан.

Қисм кутубхонасига борганимизда, у ерда ҳам бўлажак талабалар эҳтиёжини қондириш учун барча чоралар кўрилаётгани гувоҳи бўлдик.

– Китобсеварлар аҳли кўпайгани менга қўшимча ғайрат бағишлайди, – дейди биз билан суҳбатда кутубхона мудираси Людмила Федорчук. – Уларнинг илтимосларига биноан керакли адабиётлар билан таъминлашни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан. Ўзимда йўқ адабиётларни топиш учун қўшни қисмлар кутубхоналарига мурожаат этяпман. Ишқилиб, аскарларимиз орзуларига эришсин-да!

Бундай самимий ёндашув аскар йигитларимиз қалбларида ўқишга кириш иштиёқини оширмоқда. Тарбиячи-офицерлар олий ўқув юртларига кириш ниятини билдирган аскарлар билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маҳаллий бўлинмаси вакилларининг учрашувларини ташкил этиши ҳам Юртбошимиз Қарори амалда ижро этилиши яхши йўлга қўйилганининг далилидир.

Майор Аблай КАМОЛОВ, «Ватанпарвар» мухбири. Подполковник Ярослав КОРУКА суратга олган.

Юзга кирсанг, юз йил ўқи

БИЛИМ ВА МАЛАКА – ЮТУҚЛАР КАЛИТИ

Давлатимиз раҳбари «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»да ҳарбий хизматчиларнинг касбий маҳоратини, билим ва малакаларини ошириш масаласига яна бир бор жиддий эътибор қаратди.

Ўз касбини пухта эгаллаган ҳарбий маҳоратли бўлади. Билими ва малакаси кучли бўлса, ҳар қандай топшириқни тез ва соз бажаради.

Бу борада Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг Офицерлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети фаолияти таҳсинга лойиқ. Шу йилнинг 24 январида бу ерда янги қабул қилинган тингловчилар учун машғулотлар бошланди.

– Факультетимиз иш бошлаганига уч йил бўлди, – дейди факультет бошлиғи полковник Тоғаймурод Шарипов. – Ўқув дастуримизни йилдан-йилга такомиллаштириб боряпмиз. Тегишли ўқув адабиётларига эгамиз. Энг муҳими, бизда ҳарб илмининг етук мутахассислари фаолият кўрсатишмоқда. Офицер ўқитувчиларимиз подполковниклар – Абдумалик Темиров, Алишер Воисов, Марат Жўраев, майор Эсон Нуров пухта билим ва етук малакага эга мутахассислар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, уларнинг барчаси ҳар бир сабоқни юқори савияда ўтказишади, тингловчилар ҳар бир мавзуни пухта ўзлаштириб олишмагунча кўнгиллари жойига тушмайди. Ўзларига ва бошқаларга нисбатан жуда талабчан. Зарур бўлса, мамлакатимиздаги олий ўқув юртларидан профессор-ўқитувчиларни ҳам дарс беришга жалб этяпмиз.

Бизда тингловчиларга қўйидаги: Тарбиявий ишлар услуби, Ўзбекистонда демократик давлат қурилишнинг назарияси ва амалиёти, Ҳарбий педагогика ва психология, Жанговар тайёргарлик асослари йўналишлар бўйича сабоқ берамиз, малакасини оширамиз.

– Биз, – дейди курс тингловчиси капитан Зоҳид Солиев, – жанговар фаолиятимиз давомида ҳам ўз устимизда ишлаймиз, ўқиймиз, изланамиз. Шундай бўлса-да, малака ошириш курсида таълим олар эканман, бундай курслар биз учун жуда зарур эканлигини ҳис қилдим. Биринчидан, турли гарнизонларда хизмат қилишаётган сафдошларимиз билан учрашиб, тажриба алмашяпмиз, иккинчидан, ҳарб илмининг янги-янги қирраларини кашф этиб, сабоқ оляпмиз. Бу албатта, бизнинг кейинги фаолиятимизда ўз самарасини беради.

Курс тингловчилари катта лейтенантлар — Аликпир Абдуллаев, Эрназар Пўлатов, лейтенант Адҳам Нуруллаев ҳам ўз малакаси, билими ошаётганлигидан жуда мамнун эканликларини изҳор этишди.


Миллий армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замон талабларига мос. Мақсадимиз Қуролли Кучларимизни шартнома-контракт негизида профессионал асосга ўтказишдир. Бу борада амалга ошираётган ишларимиз босқичма-босқич поёнига етказилмоқда. Ҳарбий ўқув юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларини модернизация қилиш, уларнинг моддий-техник ва ўқув базасини мустаҳкамлаш, замонавий компьютер техникаси, коммуникация ва ахборот технологиялари ҳамда таълим воситалари билан жиҳозлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси ҳар қандай вазиятда ҳам ташаббускор ва самарали қарорлар қабул қилишга қодир командир ва сержантларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялашга қаратилган.

Шу кунларда Офицерлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети жамоаси ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида ҳормай-толмай қизғин фаолият олиб бормоқда.

Подполковник Абдураззоқ ОБРЎЕВ, «Ватанпарвар» мухбири. Подполковник Ярослав КОРУКА суратга олган.



БАҲОДИРНИНГ МАТОНАТИ



Норин туманидаги Ҳаққулобод шаҳарчасида Йўлдошвой ака Худойқулов ва Гуласал опа Ўриновларнинг оиласини кўпчилик яхши танийди. Айниқса, ушбу оилада ўсиб улғайган бир-биридан азамат, жасур уч ога-ини маҳалла болаларига ўрнак десак, хато қилмаган бўламиз. Чунки улар кўпчилик йигитлар ҳавас қиладиган турли соҳаларда эл хизматига камарбаста.

1992 йил Баҳодир ҳарбий хизматга боргач, акаси ва укасидан фарқли ўлароқ, келажакда ҳарбий бўлиш истаги борлигини маълум қилиб, онасига мактуб йўллади. Фарзандларидан бирортасини ҳарбий либосда кўришни дилида тугиб юрган Гуласал опани бу нома анча тўлқинлантирди. Ҳатто, муштипар она қувонч кўз ёшларини тия олмай, дилбандининг қалб қўридан отилиб чиққан фикрларини қайта-қайта мутолаа қилди. Сўнгра юрт посбонлигини ихтиёр этган ўғлонини узундан-узоқ дуо қилди.

– Ҳарбий бўлишимга биринчи галда онамнинг хоҳиши туртки бўлган бўлса, устозларим – подполковниклар Мурод Яҳёев ва Анвар Акбаровларнинг оқилона маслаҳати билан ўзим йигитлик бурчимни ўтаган ҳарбий қисмда шартнома асосида хизматда қолдим, – дея ҳарбийликдаги илк онларини хотирлайди, шартнома бўйича оддий аскар Баҳодир Худойқулов. – Мана мазкур шарафли касбда хизмат қилаётганимга ҳам 14 йил бўлди. Ортда қолган йиллар севимли соҳамга янада меҳр қўйишимга сабаб бўлди. Мен юртимиз осойишталигини таъминлаш сингари масъулиятли вазифани зиммаларига олган мардлар билан бир сафда туриб хизмат қилаётганимдан фахрланаман.

Мутахассис-ҳайдовчи вазифасида хизмат қилаётган Баҳодир подполковник Ҳамид Абдураҳмонов хизмат қилаётган ҳарбий қисмнинг етакчи шунқорларидан ҳисобланади. Шу пайтга қадар унинг «тулпори» ҳеч панд бермаган. Ахир ишининг кўзини биладиган ҳайдовчи доимо техника билан ҳам тиллаша олади-да.

Бугун халқаро терроризм деган ёвуз куч дунёнинг турли нуқталарида ўзининг қабиҳ ниятини амалга ошириб келмоқда. Бундай разолатни ўзбекистонликлар 2003 йилда Бухоро ва Тошкент вилоятларидаги ёки ўтган йилнинг май ойидаги Андижон воқеалари мисолида яхши билишади. Ушбу разилликлар ҳали-ҳамон халқимизнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Шу жумладан, террорчиларга қарши мардонавор курашган осойишталик посбонларининг хизматларини ҳам унутишгани йўқ. Президентимизнинг «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан эълон қилинган Фармонига кўра мардлик кўрсатган бир қатор юртимиз посбонларига юксак давлат мукофотлари топширилди. Улар орасида Андижондаги воқеаларда халқ тинчлиги учун жонини, ҳаётини гаровга қўйиб, матонатини намоён этган шартнома бўйича хизмат оддий аскари Баҳодир Худойқулов ҳам бор эди.

– 12 майдан 13 майга ўтар кечаси кечқурун соат 3 лар атрофида телефон орқали ҳарбий қисмга зудлик билан етиб келиш тўғрисида буйруқ олдим, – дея ўша машъум воқеани эслайди суҳбатдошим.

– Зудлик билан ҳарбий қисмга етиб келдим. Маълум бўлишича, террорчилар томонидан ҳарбий қисмлардан бирига ҳужум бўлган, ҳокимият биноси ўраб олинган экан. Менга шахсий таркибни воқеа жойига олиб бориш вазифаси топширилди. Йигитларни беталафот айтилган манзилга олиб бориб, ҳарбий қисмга қайтаётгандим, террорчилар томонидан қуршовда қолиб, биқинимдан ўқ едим. Жароҳатимга эътибор бермай, қуршовни ёриб, ҳарбий қисмга етиб келдим ва ҳушдан кетибман...

Ҳа, у онаси орзу қилгандек ҳарбий бўлмоқчи эди. Пировардида шундай ҳам бўлди. «Жасорат» медали нафақат унинг, балки йигитни жасур ва мард қилиб тарбиялаган Гуласал опанинг ҳам ютуғидир.

Комилжон ҲАСАНОВ, «Ватанпарвар» мухбири. Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.

2006 год – Год благотворительства и медицинских работников

ПАЦИЕНТЫ ПОДПОЛКОВНИКА УРАЗОВА



За те двадцать с лишним лет, что прошли после окончания Андижанского государственного медицинского института, у Рустама Баратовича было много пациентов. Да ведь не ведет он им счет, поскольку благое дело возвращения здоровья страдающему от недуга человеку вообще нельзя измерить или взвесить. Если же речь пойдет о вооруженных защитниках Родины, то данное обстоятельство только усиливает эффект, так как этим самым человек самой мирной профессии укрепляет оборону страны.

Вообще, уважение к воинам заложено в жителях пограничного города Термеза, как говорится, на генетическом уровне. Испокон веков храбрые термезчане грудью вставали на пути захватчиков, переправлявшихся через бурные воды древнего Джейхуна с целью завоевания нашего края. Вот и офицер запаса Рустам Уразов уже в 1994 году встал в ряды Вооруженных Сил, с тех пор и служит в военном госпитале Термезского гарнизона. В настоящее время начальник терапевтического отделения подполковник медицинской службы Р.Уразов считается одним из самых квалифицированных специалистов этого коллектива.

– Недавно мне довелось представлять своего подчиненного на заседании аттестационной комиссии, – рассказывает начальник госпиталя подполковник медицинской службы Фахриддин Джаббаров. – Проверяющие были впечатлены одним только перечнем профилей, по которым офицер Уразов прошел повышение квалификации в Ташкенте. Врач-терапевт повысил уровень знаний по гастроэнтерологии, реанимации, пульманологии, кардиологии, эндоскопии. Таким образом, мнение членов комиссии было единодушным: человек соответствует занимаемой должности, находится на своем месте, нужен армии. Заметьте, это не моя оценка, а вышестоящего штаба. От себя лишь добавлю, что мне доставляет истинное удовольствие служить с такими знатоками своего дела.

В отделении гордятся руководителем, на него равняются врачи – майор медицинской службы Саъдулла Бобожонов и Сайера Очилова, да и медицинские сестры Умида Рузикулова и Мухайе Садыкова со строгого, но справедливого начальника берут пример трудолюбия и заботливого отношения к пациентам. Нам довелось слышать просьбы, звучавшие от офицеров-пограничников, смысл которых сводился к следующему – доктор, мы хотим пройти курс лечения именно у вас. Такой «популярности» подполковник Р.Уразов удостоился не только за высокий профессионализм, но и умение найти путь к сердцам пациентов, лечить их не только медикаментами, но и добрым словом, участием.

Рустам Баратович счастлив не только признанием на службе, но и простым семейным счастьем. Вдвоем с супругой Холидой, кстати, тоже медиком, они растят четверых детей. Старший сын Бахтиер учится в академическом лицее, мечтает стать офицером, как папа. Что ж, будет отрадно, если офицерская династия Уразовых найдет достойное продолжение.

Майор Аблай АЙНАТДИНОВ.
Фото **Ярослава КОРУКИ.**

Нуқтаи назар

БИЗГА СОҒЛОМ ФУТБОЛЧИ КЕРАК

Президентимиз ва ҳукуматимизнинг футболни ривожлантиришга қаратилган қатор Фармон ва қарорлари асосида яхши самараларга ҳам эришилаётир. Шу билан биргаликда муаммолар, камчиликлар ҳам етарлича, у Ўзбекистон футболининг жаҳон спорти меъёрларига етишига тўсқинлик қилмоқда.

Менинг касбим шифокор. Футболга астойдил қизиқаман. Бу қизиқишим туфайли, олий лига жамоаларидан бирида шифокорлик қилиб, футболчилар саломатлиги учун жавобгарман. Озми-кўпми спортчилар саломатлиги бўйича тажриба орттирганман. Шу боис ўзбек футболи келажагини ўйлаб, кўнглимда кўпдан бери тугун бўлиб юрган фикр-мулоҳазаларим, таклиф-истакларимни юртдошларимга айтишга ўзимни қарздор деб ҳисоблайман.

Мен кўпчилик айтолмаётган бир фикрни, саволни ўртага ташламоқчиман: мустақил Ўзбекистонимиз футболида тиббий хизмат кўрсатиш жаҳон меъёрлари даражасидами? Ёки оддий даволаш, профилактикалар, тиббий кўрикдан ўтказиш, биринчи ёрдам бериш тўғри ташкил қилинганми? Афсуски, йўқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 18 мартдаги ва 1996 йил 17 январдаги футболни ривожлантиришга оид қарорларининг тиббий хизмат кўрсатишга қаратилган бандлари нега тўла-тўкис бажарилмай келаётир?

Спортчилар орасида профилактик ишлар етарлича олиб борилмаяпти. Аниқланган касалликлар баъзида вақтида даволанмайди, баъзида эътибор ҳам берилмайди. Футболчилар кўрикдан яхши ўтди, соғлом деб ўзимизни алдаб келаяпмиз, холос. Бу билан илгарига силжиб бўладими? Футбол жамоаларимизга тажрибали шифокорлар танлаб олинмагани, баъзиларида ўрта тиббий ходимлар ёки, умуман, маълумотсизлар билан чекланганлиги ҳам ачинарлидир.

Футбол ўйини ўтказиладиган майдонларда тиббий хизмат, саломатликни тиклаш хоналарининг ҳаммасини ҳам талаб даражасида деб бўлмайди. Бугун кўплаб фикрлар жаҳон чемпионатининг саралаш босқичида иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси ҳақида билдирилмоқда. Албатта, биз қанчалик савияда эканлигимиз чет эл жамоалари билан бўлган ўйинларда тез билинади. Ҳеч кимга осон тутиб бўлмайдию, лекин ўйингоҳдаги 11 ўйинчи орқасида 26 миллионлик давлат, халқ турганини ҳис этиш ҳам керак-да. Инсон ўзини яхши ҳис этиши, яхши яшаши, меҳнат қилиши учун соғлом бўлиши керак. Футболчи эса уларга нисбатан бир неча баробар соғ бўлмоғи зарур.

Тиббий хизмат кўрсатишнинг ёмонлиги, профилактик ишларнинг паст даражадалиги, кўрикдан ўтиши ҳақида сохта маълумот ва ҳисоботлар берилиши бу бизнинг ўзбек футболида ҳақиқий, профессионал мутахассиснинг камлигидан. Лекин бизда яхши мураббий ҳам, яхши ҳакам ҳам, яхши футболчи ҳам бор. Фақат соҳасини яхши биладиган ҳақиқий профессионал мутахассислар керак.

Ҳурматли Президентимиз таъкидлаганидек, кўп бажарилмаган ишларни фақат пул, маблағ йўқ, деб баҳона қиламиз, лекин пулсиз битадиган ишларни ҳам бажармаймиз. Тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида қуйидаги таклифларни ўртага ташламоқчиман.

Биринчидан, Ўзбекистон Футбол Федерацияси ҳузурида тиббий хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш ва назорат қилиш бўлимини очиш.

Иккинчидан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг спорт, яъни футбол билан боғлиқ буйруқларга янгиликлар киритиш ва уларнинг бажарилишига эришиш.

Учинчидан, футболчилар соғлиғини сақлаш, профилактик ишларни дастур ва режа асосида ташкил қилиш.

Тўртинчидан, футбол клублари ва жамоалардаги врачлар малакасини ошириш, семинарлар уюштириш (1995 йил май ойида бир марта ФИФА семинар ташкил этган, унда 11 иштирокчи ва 3 эшитувчи қатнашган эди. Ҳозир Ўзбекистон футбол жамоаларида уларнинг 50 фоизи ҳам қолмаган).

Бешинчидан, зарур тиббий асбоб-ускуналар, доридармонлар, даволатишлар, тикланишларга ҳеч бўлмаганда футбол учун ажратилган маблағнинг 1 фоизини сарфлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Мен юқоридаги фикр, таклифларимни ўйлаб топганим йўқ. Балки футбол жамоаси шифокори сифатидаги 9 йиллик фаолиятим, кўрганларим, суҳбатларда эшитганларим асосида ёзилди. Бу фикрларим билан соғлиқни сақлашга эътибор кўпроқ қаратилса, ўзбек футболида бурилиш ясалади, демоқчиман. Соғлом, бақувват футболчи албатта, ғалабани таъминлаши аниқ.

Мирзабурхон ДЎСМУРОТОВ,
Бекободнинг «Металлург» жамоаси шифокори.

МЕН КАСБИМНИ СЕВАМАН

Олимжоннинг мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ спортга қизиқиши катта эди. Ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган турли спорт мусобақаларида мактаблари шарафини муносиб ҳимоя қиларди. Ўқувчилик даврлари ҳам ортда қолганига анча йиллар бўлди. Бугун Олимжон республикамиздаги энг нуфузли олий ҳарбий даргоҳда спорт йўриқчиси бўлиб хизмат қилмоқда.

Подполковник Руслан Багиров етакчилик қиладиган жисмоний тайёргарлик кафедрасида ўз касбининг ҳақиқий фидойилари хизмат қилишади. Бу жамоанинг Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида алоҳида ўрни бор. Катта ўқитувчи капитан Игорь Бобомуродов ва унинг шогирдлари ҳақида газетамиз саҳифаларида бир неча бор ўқигансиз, албатта. Худди у каби лейтенант Илҳом Деҳқонов ҳам касбини ардоқлаб, жанговар санъат сирларидан курсантларга сабоқ бермоқда. Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Олимжон Ёдгоров ана шундай фидойилар жамоасида хизмат қилмоқда.

– Тоғ тайёргарлиги бўйича машғулотлар қизиқарлилиги билан бирга ўзига хос мураккабликларга эга, – дейди Олимжон Ёдгоров. – Бу машғулотларда барқарор руҳий ҳолат ҳам муҳим ҳисобланади. Курсантлар билан машғулотлар олиб бориш жуда катта масъулият талаб қилади. Чунки улар ҳамма нарсани билишга интиладилар, билим даражалари юқори, жисмонан баркамол ёшлардир. Мен шундай йигитлар билан иш олиб бораётганимдан мамнунман. Касбимни севаман. Тоғ тайёргарлиги бўйича йўриқчининг фаол, барчага намуна бўладиган, эпчил шогирдлари ҳам бор. Булар курсантлар Феруз Ражабов, Шерали Бадалов ва бошқалардир.

Олимжон Ғиждувон шаҳрида оддий хизматчи оиласида вояга етган. Болаликдан меҳнатда суяги қотган. Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам кам дейдилар. Олимжон ҳақида гапирганда беихтиёр юқоридаги халқ ибораси ёдга тушади. Чунки ҳар бир ишни хоҳ радиотехника асбобларини таъмирлаш бўлсин, хоҳ дурадгорлик ёки қурилишдаги пардозлаш ишлари бўлсин, барчасини маромига етказиб бажаради. Рафиқаси Мўътабарнинг касби – ҳамширалик. Ёш оила ўғилчалари Суннатилло билан қадим Бухорода бўлганларида ота-онаси Жамила опа ва Абдувоҳид ақаларнинг қувончларини сўз билан таърифлаш мушкул. Бир сўз билан айтганда, оиласидан кўнгли тўқ йигитнинг хизмати ҳам шунга яраша ҳамиша ютуқларга бой, сербарака бўлади.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

МАРДЛИККА УНДОВЧИ ТАЯНЧЛАР

Ватан равнақи, миллат келажаги барчамизга дахлдор. Юртни юзага чиқариш учун ҳар бир имконият барчамиз учун муҳим. Элу юрт ривожининг асосий омили эса албатта, мустақиллик ва тинчликдир. Бу улуғ неъматларни кўз қорачиғида асровчилар ҳарбий либос вакиллари эканлиги барчамизга аён. Армия ва халқ бирлиги, якдиллиги эса тинчлигимиз ва ҳурлигимиз кафолатини янада мустаҳкамловчи кучдир. Шу сабабли юртимизда фаолият юритаётган ташкилот, муассаса ва жамғармалар мавжудки, улар миллий армиямиз билан ўзаро мустаҳкам алоқа боғлашга интилиб туради.

Биз Қўқон шаҳар ҳокимиятида, тўғрироғи, шаҳар ҳокимлигининг хотин-қизлар қўмитасида бўлганимизда ҳарбий жамоалар билан қўмита ўртасидаги мана шундай меҳрли алоқаларга гувоҳ бўлдик. Бу борада Юртбошимизнинг «Энг муҳими, бизнинг армиямизда ҳарбий хизмат қиладиган ҳар бир ёш ўғлон ўз халқига керак эканини, унинг жанговар меҳнати Ватан учун зарурлигини, унга давлат ва жамият томонидан фақат сўзда эмас, балки амалда ҳам ғамхўрлик кўрсатилишини доимо сезиб туриши, ҳар бир қадамда ҳис этиб туриши даркор», деган ҳақчил сўзларини эслаш кифоя. Шу маънода Қўқон шаҳар хотин-қизлар қўмитасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Саломатхон Абдуллаева етакчилигидаги қўмита вакиллари томонидан нафақат юртимиздаги байрамлар ва улуғ айём кунларимизда, балки доимий равишда ҳарбий қисмларнинг хотин-қизлар кенгашлари билан алоқа боғлаб, ҳарбий жамоаларда турли хил учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар, кечалар ўтказиб келинмоқда. Бизга бу ҳақда хотин-қизлар қўмитаси ижтимоий бўлими бош мутахассиси Ўлмасхон Маҳсудова қуйидагиларни сўзлаб берди.

– Биз Ватан ҳимоячилари бўлмиш посбонларимиз ҳузурида тез-тез йиғинлар ўтказиб, уларга маданий ва маънавий ҳордиқ улашишга, шу орқали ўғлонларимизнинг юрт тинчлигини асрашдек ўта масъулиятли ва фидойи хизматларига таянч бўлишга ҳаракат қиламиз. Бу бизнинг қўмитамиз йиллик иш режасидан муҳим жой эгаллаган. Сир эмаски, хизмат туфайли оиласидан йироқда бўлган йигитларимизга она меҳри, маслаҳати доимо зарур. Шу сабабли мана шундай тадбирларимиз сирасига маҳалла маслаҳатчилари бўлмиш ибратли оила онахонлари билан «Ўғлим сенга айтаман» мавзусидаги учрашувни ҳам киритганмиз. Бу учрашувда маърифий, диний ва ахлоқий мавзуларда дилдан суҳбатлар бўладики, нафақат Ватан, балки оила таянчи бўлмиш ўғлонларимиз кекса доно онахонларимиздан ибратли маслаҳатлар олишади. Албатта, ҳар бир маҳалла онахонлари посбонларимиз ҳузурига қуруқ қўл билан келишмайди. Улар маҳалла аёллари томонидан тайёрланган миллий либосларимиздан дўппи, белбоғ ва рўмолчаларни хизматдаги илғор йигитларимизга ҳадя этишади.

Ҳарбийларимиз ҳузурида ўтказадиган тадбирларимизнинг мавзуси хилма-хил. Масалан, шаҳар ёзувчилар уюшмаси аъзолари ва санъаткорларининг ҳарбий қисмларга ташрифини ташкил қилиш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари ва посбонлар иштирокида «Уч авлод» учрашувлари ҳамда спорт мусобақаларини уюштириш, «Балли қизлар» кўрик-танловларининг кўчма ташрифи ва «Ҳарбийлик – олтин даврим» талабалар ва ҳарбийлар учрашувларини ўтказиш шулар жумласидандир. Умуман олганда, хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳарбийларимиз учун белгиланган ҳар бир тадбир эътибор ва меҳр билан ўтказилади. 2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йилида унинг кўламини янада кенгайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Чунки юрт тинчлиги, ҳаётимиз фаровонлигига шу элда яшовчи ҳар бир инсон дахлдор, шубҳасиз.

Қўмита бош мутахассиси Ўлмасхон Маҳсудованинг сўзларида жон бор. Ватан ҳимоясига барчамиз масъулмиз. Армия ва халқ бирлиги қудратли куч. Кекса онахонларимизнинг ҳарбийларимизга совға тариқасида тақдим этаётган белбоғ ва дўппиларида ҳам ўзига хос маъно бор. Яъни бошида дўпписию белида белбоғи бор ўзбек ўғлонини ҳар қандай куч майдонда енга олмаслигини яхши биламиз. Унинг рамзий маъносини посбонларимиз ўз ўрнида яхши англаб етишади, албатта. Биз хотин-қизлар қўмитаси Қўқон шаҳар бўлимининг армиямиз посбонлари билан алоқалари хусусида қисқача ҳикоя қилдик. Бу ерда ҳарбий жамоалар билан амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳали кўплаб мақолаларга мавзу бўлишига ишонамиз.

Зулфия ЮНУСОВА.





Узбекистан – наш общий дом

ПОТОМКИ ЭЛЛИНОВ – В ТАШКЕНТЕ

На протяжении столетий узбеки, их предки всегда жили в мире и согласии с представителями других народов региона, вместе делили и радости, и тяготы, нередко вступая с ними в родственные отношения. Закономерно, что Великий шелковый путь, который способствовал установлению взаимопонимания и общения между разными странами и народами, проходил по территории нашей республики.

Наша страна не раз протягивала руку помощи нуждающимся. Вспомним 20 – 30-е годы прошлого столетия, знаменитое «Ташкент – город хлебный». В военное лихолетье 1941–1945 гг. Узбекистан радушно принимал у себя раненых, беженцев, детей-сирот, беспризорников, блокадников Ленинграда... И хотя местное население само жило по законам военного тыла, для тех, кому война покорежила судьбу, лишила родных и близких, всегда находился кусочек лепешки, подчас последний. И радушное слово, человеческое участие, тепло открытых сердец.

Сегодня народ Узбекистана объединяет русских, украинцев, евреев, казахов, татар, азербайджанцев, корейцев, уйгуров, киргизов, туркменов... Проживая бок о бок с коренными жителями, отдавая дань уважения узбекскому народу, истории края, почитая национальные обычаи и традиции, они стремятся сохранить свою культуру, свой язык. Большую помощь и содействие в этом оказывает им руководство республики во главе с Президентом Исламом Каримовым. После провозглашения независимости был создан Республиканский интернациональный культурный центр, под эгидой которого работают многочисленные культурные центры по всей республике. Не последнее место среди них занимает Ташкентское городское общество греческой культуры. О его деятельности рассказала заместитель председателя общества Апостолиду Деспина.

– Вопрос о создании Греческого культурного центра в Ташкенте, где в основном проживает греческая диаспора, не стоял, так как еще с 1964 года здесь существовало Общество греческих политических эмигрантов. 4 марта 1997 года оно было преобразовано в Ташкентское городское общество и существует до сих пор. Его целью является сохранение и приумножение культурного наследия, греческого языка, традиций и обычаев греков, дальнейшее развитие взаимного сотрудничества, взаимодействия и взаимообогащения духовными ценностями. Мы все живем одной большой семьей в нашем общем доме – Узбекистане, всегда вместе – и в радости, и в горе. Вместе трудимся, отмечаем праздники, строим новое, правовое, демократическое общество, счастливое будущее для наших детей.

Наш альбом, подготовленный по инициативе Республиканского культурного центра, полностью отражает жизнь и деятельность всех национально-культурных центров, существующих в республике. На титульном листе, что очень символично, статья 18 Конституции – Основного Закона: «Все граждане Республики Узбекистан имеют одинаковые права и свободы и равны перед законом без различия пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения, убеждений, личного и общественного положения».

Представители греческой диаспоры вносят весомый вклад в развитие экономики, науки, культуры, искусства республики. Многим известно имя оперного певца Янниса Целепидиса, заслуженного артиста республики, профессора, прославившего вокальное искусство Узбекистана в Греции, ныне преподавателя в знаменитой Гранд-опере в Афинах. Огромным интересом пользуются выставки известного в нашей стране художника Янгусиса Панаетиса. Молодежь диаспоры активно участвует в проведении вечеров классической музыки, в концертах, посвященных знаменательным датам в жизни нашего народа, в выставках-конкурсах детского прикладного творчества, показах моделей, в презентациях других национально-культурных центров. Участники вокально-инструментального ансамбля «Бузуки» и хореографическая группа «Сиртаки» неоднократно участвовали в Республиканских фестивалях «Узбекистан – наш общий дом» в номинациях «Лучшее исполнение узбекского национального танца» и «Яркий творческий коллектив», становились лауреатами, занимали первые места.

Традиционно летом мы выезжаем с детьми в Грецию. Греция – наша этническая родина, дети ближе знакомятся с ее культурой, искусством. Но что удивительно: если здесь, в Ташкенте, подрастающее поколение интересуется языком, обычаями греческого народа, то по приезду в Грецию ребята ощущают себя посланцами солнечного Узбекистана. Дети рассказывают своим сверстникам про наш край, поют узбекские народные песни, танцуют, и мы видим, какую гордость испытывают они, чувствуя свою сопричастность к Узбекистану, его народу. Ведь Узбекистан стал нашим родным краем, страной, которая так много дала всем нам.

Особое внимание уделяется и патриотическому воспитанию молодежи, стараемся, чтобы подрастающее поколение росло преданным своему Отечеству, народу. Вот почему ветераны труда и войны, воины, отслужившие срочную службу, являются частыми гостями наших мероприятий. Они призывают молодежь беззаветно любить свою Родину, свой народ.

Узбекистан для нас, греков, живущих на этой благодатной земле, стал второй Родиной. И никакие происки враждебных идеологов не смогут свернуть нас с намеченного пути построения светлого, счастливого, свободного общества.

Записала Римма КОЛЮЧЕВА.

КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА НИШОНЛАНДИ

Қуролли Кучларимизнинг 14 йиллиги байрами муносабати билан Нукус шаҳридаги Бердақ номли созли театрда тантанали тадбир бўлиб, уни Нукус шаҳри ҳокими Жолғас Бердиханов кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Тантанали тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенгеси бошлиғи ўринбосари Ғафуржон Ражабов иштирок этиб, ҳарбийларимизни Ватан ҳимоячилари куни билан табриклаб, шарафли хизматларига омад тилади. Тадбирда сўзга чиққан Шимолий-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Мурод Ғофуров Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган ислоҳотлар, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича олиб борилаётган машғулотларга тўхталар экан, матонатли ҳарбийларимиз юртимиз осойишталигини сақлашда муқаддас бурчларига содиқ қолиб, доим халқимиз тинч ҳаётини муносиб ҳимоя қилишларига катта ишонч билдирди.

Байрам муносабати билан бир қатор ҳарбийлар Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси унвони, Вазирлар Кенгаши Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шу куни Нукус гарнизони офицерлар уйида ҳам Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тантанада иштирок этган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши котибияти бошлиғи Замира Шомуродова, Республика Хотин-қизлар қўмитаси вакили Раъно Қаландарова, Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бўлим бошлиғи Мухтор Мўханов ва бошқалар сўзга чиқиб, посбонларимиз ва уларнинг оила аъзоларини қутладилар. Полковник Ҳожимухтор Каримов округ қўмондонининг буйруғини ўқиб эшиттирди. Унга кўра жанговар ва ижтимоий сиёсий тайёргарликдан яхши натижаларга эришган офицерлар, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар, аскарлар, шунингдек, Қуролли Кучлар хизматчилари миннатдорчилик, фахрий ёрлиқ, пул мукофоти ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Таниқли санъаткорлар томонидан катта концерт дастури йиғилганларга олам-олам завқ бахш этди.

Шартнома бўйича хизмат сержанти Аманбай АРЗИЕВ.

БАРДАВОМ ШОДИЁНАЛАР

Ватан ҳимоячилари куни – умумхалқ байрами муносабати билан Тошкент гарнизонидаги бир нечта ҳарбий қисмларда пойтахтнинг Сирғали тумани ҳокимияти, туман мудофаа ишлари бўлими ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, фарзандлари муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ота-оналар ва бошқа меҳмонлар иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари халқ ва давлатнинг тинчлиги, яратувчанлиги ва барқарорлигидир» мавзусида қатор тадбирлар ўтказилди. Юртимиз осойишталигини таъминлашдек улуғвор мақсад билан масъулиятли ва мураккаб ҳарбий хизматга йўл олган аскар, сержант ва офицерлар билан ҳамкорликда ўтказилган бундай тадбирларнинг уюштирилиши катта аҳамиятга эга. Унда халқ ва армиянинг якдиллиги, асрий қадриятларимиз, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимиз инъикоси ўз ифодасини топиб, тобора қудрати ва нуфузи ортаётган миллий армиямизга қизиқиш ва эътиборнинг ҳам юксалаётгани кўринади.

Бўлиб ўтган тадбирлар давомида сўзга чиққан Сирғали тумани ҳокими М.Абдуллаев ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман кенгаши раиси Х.Умаровлар посбонларни байрам билан чин дилдан қутлар экан, урф-одатимизга кўра ҳарбий қисмлар командирларига тўнлар кийгизишди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакили А.Мамажонов ва Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотидан М.Ибрагимовлар ҳам йиғилганларга самимий истакларини йўллаб, ўз касбининг устаси бўлган илғор ҳарбий хизматчиларга эсдалик совғалари ҳадя этишди. Фарзандларининг шарафли хизмат бурчларини якунига етказиб, соғ-саломат, ёруғ юз билан уйларига қайтишини тилаган ота-оналарнинг чиқишларини ҳам йиғилганлар зўр шодиёна билан қарши олишди. Тадбир Аброр Ҳидоятов номли маданият уйи санъаткорлари жамоасининг концерт дастури билан давом эттирилди. Шундан сўнг тантана қатнашчилари туман ҳокимияти томонидан ташкил этилган байрам дастурхонига таклиф этилди ва миллий таомимиз ош тортилди.

Шу куннинг эртасига Сирғали туманидаги Молия ва иқтисодиёт коллежида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фуқароларни мардлик ва ватанпарварлик руҳида ҳаётга тайёрлаш мактаби» деб номланган туман касб-ҳунар коллежлари ва мактабларининг умумий тадбири бўлиб ўтди. Туман мудофаа ишлари бўлими, туман ҳокимияти, турли ташкилот ҳамда муассасалар, ҳарбий қисм вакиллари, ота-оналар ҳамда ўқитувчи ва ўқувчилар иштирокида бўлиб ўтган мазкур тантана дастлаб коллежнинг жисмоний машғулотлар залида спорт ва жанговар санъат намуналаридан кўргазмали чиқишлар намойиш этилиши билан бошланди. Унда туман мактаблари ҳамда коллежларида таҳсил олишаётган ўқувчи ёшлар бадиий гимнастика, қўл жанги, айкидо, таэквондо ва тирда отиш каби машқлардан намуналар кўрсатишган бўлса, подполковник Латифжон Раҳимов командирлик қилаётган ҳарбий қисмдан келган аскарлар жанговар санъат илмига доир кўргазмали чиқишлар қилдилар. Шундан сўнг тантана қоллежнинг катта залида давом эттирилди. Расмий қисм поёнига етгач, таклиф этилган меҳмонлар сўзга чиқиб, байрам муносабати билан қатнашчиларни қизғин қутладилар ва юртимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгариш ҳамда янгиланишлар ҳақида ҳам тўхталиб, ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш юзасидан қилинаётган ишлар ҳақида гапириб ўтишди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси 85 ёшли Мақсуд ота Юсупов, ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Мақсуд Ҳожиев ва фарзанди аскарлик бурчини адо этаётган Абдурашид Гизатуллинларнинг дил истаклари тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Байрам шодиёнаси туман маданият уйининг «Завқ» гуруҳи концерт дастури билан давом этди. Унда мактаб ва коллеж ўқувчилари ҳам ҳаваскор чиқишлар қилишди. Бир сўз билан айтганда, байрам барчага хуш кайфият улашди.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Ҳасан МИРСУЛТОНОВ,
Сирғали туман
мудофаа ишлари бўлими хизматчиси.

ҚИЗИҚАРЛИ ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Марказий офицерлар саройи айниқса дам олиш кунлари одамлар билан гавжум бўлишини у ерга доимий равишда ташриф буюрувчилар яхши билишади. Юртимизнинг таниқли кишилари, санъаткорлар ва шоирлар иштирокидаги ижодий учрашувлар гувоҳи бўлганлар бу сафар ўзбек эстрадасида ўзига хос ўрин ва йўналишга, кўп сонли мухлисларига эга гуруҳлардан бири – «Хўжа» ҳамда гуруҳ солисти Иззатилла ИБРАГИМОВ билан бевосита мулоқотда бўлиш имкониятига эга бўлишди. Ашаддий мухлислар учун бу айни муддаодир.





Хонанда «Қалби қуёшлар» қўшиғи билан тадбирни очиб берар экан, мазкур қўшиқнинг юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида доим бедор Ватан ҳимоячиларига бағишланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Матн муаллифи Иқбол Мирзо, мусиқаси Руслан Шарипов томонидан басталанган юқоридаги ижод намунасини томошабинлар олқишлар ва гулдурос қарсаклар ила қарши олдилар. Ижодий учрашув давомида «Онажон», «Менинг севгим», «Кетмагин, эй ёр» каби ва бошқа кўплаб мухлисларга яхши таниш, улар қалбидан жой ола билган қўшиқлар янгради.

Тадбир сўнгида Мудофаа вазирлиги Маданий ишлар хизмати – Марказий Офицерлар саройи бошлиғи подполковник Баҳодир Йўлдошев Иззатилла Ибрагимов ҳамда «Хўжа» гуруҳига барчанинг номидан миннатдорчилик билдириб, эсдалик совғаларини топширди.

– Тўрисини айтсам, худди концертда бўлгандек ҳис этяпман ўзимни, – дейди томошабинлардан бири Бекжон Давронов. – Бу тадбирнинг концертлардан ҳам афзал ва қизиқарли томони бор. Чунки ҳар қандай мухлис ёқтирган хонандаси, унинг ҳаёти ва қизиқишлари, оиласи ҳақида кўпроқ маълумот билишни истайди. Бундай ижодий учрашувларда эса қизиқарли суҳбатдан ҳам, гўзал куй-қўшиқлардан ҳам баҳраманд бўламиз.

Ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари, маънавий озуқа олишларини кўзлаб ўтказилган ушбу тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдиргани, санъаткорларни эса янада ғайрат билан ижод қилиш, янги-янги қўшиқларни мухлислари ҳукмига ҳавола этишга чорлаши аниқ.

Навбаҳор ЖАЛИЛОВА
Марказий Офицерлар саройи
кутубхонаси мудираси.
Капитан Дилявер АБЛАЕВ
олган суратлар.

КУРСАНТЛАР ДАВРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Ёнғин хавфсизлиги Олий техник мактабида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда «Мардлар қўриқлайди Ватанни!» шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбир давомида туман Сардорлар ва Етакчилар кенгаши аъзолари иштирокида «Мардлар қўриқлайди Ватанни!» мавзусида расмлар ва шеърлар кўрик-танлови ҳамда курсантлар ўртасида турли шартлардан иборат ўйинлар ўтказилди.

Тошкент Давлат маданият институти ва Тошкент эстрада цирк коллежи талабаларининг ажойиб, бир-биридан қизиқарли чиқишлари, куй-қўшиқлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Ватанимиз ҳимоячиларининг машаққатли хизматини акс эттирувчи саҳна намойишлари Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей талабалари томонидан тақдим этилди. Шунингдек, иқтидорли талабалар билан бирга ёш истеъдодли хонандалар ҳам курсантларимиз учун ҳақиқий байрам совғасини туҳфа қилдилар.

Саид НАЗАРОВ.

ЙИГИТЧА БЕЛЛАШУВ

Ватанпарварлик тадбирлари ойлиги доирасида Қуролли Кучлар ташкил топганлигининг 14 йиллиги муносабати билан Равшан НИЗОМОВ етакчилик қилаётган Сирғали туман тиббиёт коллежида ҳам «Шунқор қизлар» беллашуви ўтказилди. Коллеж талабаларидан иборат «Қалқон» ва «Ватан посбонлари» гуруҳи олтита шарт бўйича беллашдилар. Ушбу шартларнинг барчасида, аниқроғи, бажарилишида миллий армиямизга бўлган чексиз меҳр, ҳурмат акс этиб турди, десак адашмаган бўламиз.



Саф қўшиқлари ижросида қизларнинг астойдил ҳаракат қилганлари бир қарашдаёқ маълум бўлди. Ҳарбийлар ҳаётига оид саҳна кўринишлари коллеж қизларининг артистлик иқтидорлари ҳам ҳавас қиларли даражада эканлигини намойиш этди.

Қизиқарли беллашувда меҳмон сифатида таклиф этилган капитан Асадбек Ашуров етакчилигидаги оддий аскарлар гуруҳи иштирокчиларда катта таассуротлар уйғотганлари шубҳасиз. Чунки оддий аскарлар ўз кўргазмали чиқишларида ҳақиқий саралангандар эканликларини намойиш этдилар.

Сўнгги ҳал қилувчи палла – спорт беллашуви, айниқса, қизғин кечди. Бу вақтга келиб, ҳар иккала гуруҳ қизларининг билим ва топқирликлари ҳакамлар томонидан деярли тенг баҳоланган эди. Арқон тортиш мусобақаси «Қалқон» гуруҳи қизларининг бу соҳада ниҳоятда чапдаст, чаққон эканликларини кўрсатди. Ва бу ўз навбатида ушбу гуруҳ шунқор қизларига кутилган ғалабани бахш этди.

– Беллашувда иштирок этган қизларимизнинг ҳаммалари ўқишда, жамоат ишларида ҳамиша биринчилардан ҳисобланишади, – дейди биз билан суҳбатда коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Абдунаби Орипов. – Улардан Малика Қобилова, Феруза Эшматоваларни коллежимизнинг юлдузлари, дея фахрлансак арзийди. Ушбу тадбирда уларнинг фаолликлари яққол кўриниб турибди. Мана шундай талабаларимиз туфайли билим даргоҳида турли тадбирлар гоят қизиқарли ва жонли тарзда ўтказилади. Бугунги «Шунқор қизлар» беллашувининг ўтказилиши эса анъанага айланиб улгурган.

Қизларнинг турли шартлар бўйича маҳоратли чиқишларини Ички ишлар вазирлигига қарашли Қоровул қўшинлари бош бошқармаси тиббиёт хизматининг бошлиғи тиббий хизмат подполковниги Анвар Мусаев, шу бошқарма тарбиявий ишлар бўлими катта офицери подполковник Абдуманноб Абдурахмонов, капитан Асадбек Ашуров, Тошкент қурилиш-коммунал коллежи директори ўринбосари Эркин Толипов, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Нилуфар Абдиевалардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боришди. Ҳакамлар шунқор қизлар тайёргарлигига юксак баҳо бердилар.

Кичик-кичик кўринишларда миллий армиямизга, нуфузи кун сайин ошиб бораётган ҳарбий хизмат ва ҳарбийларимизга чексиз эҳтиром акс этган ушбу тадбир ташкилотчилари, иштирокчилари ўқиш ва ишларида муваффақиятлар ҳамиша ёр бўлсин.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ
олган суратлар.



КОМУ МИЛ ТЕРРОРИСТ, НЕМИЛОСТИВЫЙ К НАМ?

...Стоит ли сегодня напоминать некоторым западноевропейским политикам, что в перечне международных террористических организаций государственного департамента США числится и одно из структурных подразделений Аль-Каиды и Талибана – группировка «Исламское движение Узбекистана» (ИДУ)? Наверное, стоит. Особенно тем, кто пытается завуалировать террористические характеристики ИДУ, несколько лет упоминаемых на многих языках мира во всех известных и малоизвестных источниках информации, в связи с преступной деятельностью боевиков группировки на территориях Таджикистана, Казахстана, Кыргызстана и Узбекистана.

Напомнить стоит еще и потому, что в последние годы адресное определение «боевики-террористы» и, особенно в комментарии андижанских событий мая 2005 года подменяется словосочетанием «мирные мусульмане», «повстанцы» и «мятежники». И вершатся эти подмены с таким упорством, словно их авторы из числа некоторых зарубежных политиков и политологов и журналистов, не говоря уже о правозащитниках, боятся обидеть или, не приведи Бог, лишить воинствующих исламистов политического права на кровавое самоутверждение в нашей повседневности.

Как при вышеперечисленных условиях милостивой трактовки своей деятельности чувствуют себя воинствующие исламисты? Они как занимались, так и занимаются расширением своей агентурной сети во всех государствах Центральной Азии, продолжая вербовать в свои ряды новых рекрутов, будущих боевиков и смертников – исполнителей террористических актов и диверсий, одна из которых была исполнена 13 мая 2005 года в Андижане. Они ликуют, узнавая из новостных сюжетов СМИ об истреблении своими духовными собратьями в разных частях света мирных граждан, не говоря уже о полном восторге, испытываемом от ежедневных сообщений об уничтожении американских военнослужащих и их союзников в Ираке или Афганистане.

Ликуя, воинствующие исламисты нисколько не оскорбляются терминами «боевики-террористы», равно как не умиляются определениями «повстанцы» и «мятежники». Равнодушные к каким-либо определениям, или политическим заигрываниям с собой, они все также уверенно считают себя «моджахедами». И все также помпезно декларируют любимую ими формулу «Джихад до судного дня». Формулу, за которой контурно вырисовывается многолетняя попытка провозглашения в Узбекистане первого современного халифа. При этом не смущаются от участия в процессе современной глобальной халифатизации, игнорируя канонизированные слова Пророка Мухаммада, еще при жизни высказавшегося о невозможности повторения первозданной чистоты халифатской государственности уже через тридцать лет после своей смерти.

Но кого из центральноазиатской когорты боевиков-террористов интересуют собственные противоречия с историей исламской религии? Никого! Тем более, что есть более забавные факты из политической жизни тех, против кого они совершают террористические акции.

После майских событий в июне и июле месяце 2005 года узбекистанская медиааудитория была подвергнута мощной информационной атаке некоторых зарубежных СМИ. В их новостных и аналитических сюжетах доминировала тенденциозная квалификация принятых руководством страны решений, направленных на стабилизацию обстановки в Андижане и пресечение действий боевиков 13 мая 2005 года.

И можно только догадываться, как радовала сценаристов андижанских событий внешнеполитическая дискредитация руководства республики. И особенно после семнадцатого мая, когда члены правительств некоторых западноевропейских стран и международных организаций начали тиражировать спекулятивные заявления и угрозы, фокусирующиеся на политических и финансовых санкциях, ограничивающих возможности республики в сфере внешней политики и экономики.

В самых счастливых снах лидеры воинствующих исламистов не предвидели ничего подобного. Об этом наяву они говорили своим рядовым приверженцам, уточняя: «Ложность демократии, как общественного строя, проявляется во всем. Не говоря уже о капитализме со всем его комплексом несоответствия природе человека и неудовлетворения здравого разума. Альтернативой этому может быть только строгое исламское представление о мироустройстве, основанное на идеологии, угодной Аллаху, оттого и высоявшей перед всеми сатанинскими соблазнами в течение нескольких столетий».

Сомневаться в том, что андижанские события 13 мая 2005 года исполняли боевики, ориентированные группировкой ИДУ, мягко говоря, неловко. Неловко оттого, что придется уточнять политическую нечистоплотность все тех же некоторых зарубежных политиков, политологов и журналистов, вуалирующих вооруженных боевиков политическими лозунгами, ссылками на соблюдение прав человека, по случаю заимствованными из действующих документов ООН.

Но в этих политизированных экспериментах трансформации боевиков в мирных мусульман бывают и кратковременные просветления. Международная неправительственная организация «Human Rights Watch» (HRW), известная ангажированной неразборчивостью в выборе политических героев для своих гуманистических приоритетов, в июньском докладе об андижанских событиях признала, что 13 мая «захватившие здания, которых по разным данным было от 50 до 100 человек, совершили серьезное преступление». Но, натужно признав одно, HRW в жанре «двойного стандарта» и словно испугавшись откровенно высказанной истины, уточнило, что «принимая ответные меры, правительство действовало неразборчиво и злоупотребило с применением силы».

Какими известными техническими или психологическими средствами воздействия на сознание должны были противостоять силовые структуры республики после вооруженных атак зомбированных боевиков, HRW не пояснило. Впрочем, не только это, но и многое из хроники 13 мая, с завидной настойчивостью решая заданную не Богом политическую задачу – отвлечь внимание международной общественности от факторов 13 мая. Некоторые из них автор предлагает вниманию читателей:

доклад HRW был опубликован до завершения официального следствия и судебного процесса, основываясь на показаниях тех, кто коллегиально был заинтересован в дезориентации медиа-аудитории о целях и действиях боевиков, лиц, примкнувшим к ним, и тех, кто имел прямое отношение к планам главных организаторов, вдохновителей-подстрекателей вооруженных нападений на государственные объекты, убийства и пытки мирных граждан и сотрудников правоохранительных органов;

среди лидеров массовых беспорядков был тот, кто отвечал за связь с конкретными зарубежными журналистами, которым несколько экзальтированных заводил митинговых настроений навязывали первую новостную информацию 13 мая в присутствии вооруженных боевиков;

для политического вуалирования своей вооруженной акции боевики заранее рассчитывали на формирование международной реакции через СМИ, раскручивающих уже в первых новостных сюжетах из Андижана информационную истерию с помощью нескольких «очевидцев с мест событий», предварительно воспитанных в Узбекистане на тренингах, проводимых международными неправительственными организациями, в том числе и HRW;

некоторые зарубежные СМИ преднамеренно создавали условия для отчуждения узбекистанской общественности от информационно-культурной среды, закрепляли в сознании символы и стереотипы, противоречащие национальному менталитету, вкупе порождая недоверие к внутриинформационной политике страны;

боевики посредством некоторых зарубежных СМИ демонстрировали населению свою способность повсеместного проникновения с нанесением «ударов» в самое неожиданное для общества время и именно через СМИ дискредитировали способность какого-либо противостояния себе или своим выдвигаемым требованиям;

некоторые требования, выдвигаемые боевиками, корректировались инструкторами из группировки ИДУ по сотовым телефонам с территории сопредельных государств, граничащих с Узбекистаном;

на территории Узбекистана боевики впервые практиковали вооруженный захват заложников и уничтожение некоторых из них;

имея ранее составленные списки, боевики 13 мая врывались в жилые дома, по месту проживания интересующих их представителей власти и сотрудников правоохранительных органов, брали их в заложники, зная, что никто из них не окажет физического или вооруженного сопротивления;

ни одна из региональных или международных правозащитных неправительственных организаций, в том числе HRW, имея 13 мая от своих волонтеров точные сведения о захвате заложников и зверских убийствах некоторых из них, не выразила публичный протест этим действиям, не говоря уже об элементарном призыве прекратить и осудить физические издевательства и пытки, применяемые боевиками в целях получения важной для себя информации;

боевики использовали тактику «живого щита», прикрываясь мирными гражданами;

в стремлении деморализовать мирное население Андижана боевики не только ввергали его в страх, но и насильственно пресекали желание людей покончить с происходящим;

боевики применяли психотропные препараты, в том числе – алкоголь;

силовые структуры Узбекистана умышленно провоцировались боевиками на применение оружия.

Айдын ГУДАРЗИ.

(Продолжение следует).

Надежды узбекского спорта

ОКСАНИН ТРИУМФ

Традиционно Министерством по делам культуры и спорта ежегодно определяются самые успешные молодые спортсмены, о которых принято говорить – надежда узбекского спорта. Отрадно, что по итогам 2005 года звания самой перспективной спортсменки года удостоена представительница армейского клуба МХСК Оксана Кот.

Поклонникам легкой атлетики нашей страны памятны выступления на большой спортивной арене призера чемпионатов Азии, неоднократного победителя Центральноазиатских игр, чемпиона Узбекистана по метанию диска и толканию ядра Сергея Кот. В настоящее время майор в резерве С. Кот перешел на тренерскую работу, а одной из одаренных его учениц стала единственная дочь Оксана. Наблюдая за кропотливой работой семейного дуэта на стадионе МХСК, поклонники таланта юной спортсменки добродушно шутили – ничего себе, «котенок»!

На проходивших в Туле летом прошлого года Международных играх стран СНГ и Балтии наш «котенок» показал соперницам «коготки», в острейшей борьбе отобрав у них высшую награду. «Пошел сильный дождь, – вспоминает Оксана, – поэтому остальным спортсменам перенесли состязания на другой день, только в секторе для метания диска продолжалась борьба».

Девушка проявила истинно армейский характер, метнув снаряд на 48 метров и 1 сантиметр. Кстати, ее личный рекорд гораздо выше и равен 53 метрам 50 сантиметрам, но для победы в Туле хватило и 48. Перемена климата не помешала юной грации из солнечного Ташкента доказать соперницам свое превосходство. Безусловно, сказались и бойцовские гены отца, в лучшие свои годы успешно защищавшего цвета национального флага Узбекистана на мировой спортивной арене. Например, на Центральноазиатских играх в Душанбе отец и дочь выступали дуэтом. Папа стал тогда чемпионом, а Оксана завоевала серебряную награду.



Помимо спорта, увлечением Оксаны являются восточные языки, история. В академическом лицее она изучала японский язык. Но сейчас мечты девушки об одном: о золотых наградах чемпионатов Азии, мира, а также Олимпийских игр. Дерзай, Оксана, пусть твои новые триумфы восславят спорт Узбекистана!

Жалгас КАМАЛОВ.
Фото **Ярослава КОРУКИ.**

ВЗГЛЯД НА ПЕРСПЕКТИВУ

«Журналистика XXI века: проблемы свободы, ответственности и эффективности функционирования» – под таким названием в Национальном университете Узбекистана прошла очередная научно-практическая конференция под эгидой ЮНЕСКО. Она была посвящена основным проблемам современной журналистики. Ее участники – отечественные корреспонденты, преподаватели и студенты факультета журналистики, а также ответственный секретарь Национальной комиссии по делам ЮНЕСКО Республики Узбекистан А.Икрамов – в своих выступлениях затронули ряд очень важных вопросов.

В частности, прозвучали доклады на темы: «Кинопублицистика на современном этапе», «Тенденции развития Интернет-журналистики», «Дизайн информационно-развлекательных изданий», «Журналистика Узбекистана на современном этапе развития», «Пресса России: новые политические и экономические реалии».

Среди этих сообщений особого внимания заслуживал доклад Дильдоры Рашидовой «Тенденции развития Интернет-журналистики». Уже сейчас очевидно то, что в журналистике XXI века место и роль Интернет-СМИ будет расти, так как они выходят на лидирующие позиции. Главной причиной этого является их интерактивность, мультимедийность и всеобъемлемость.

В целом же, по словам организаторов, поставленных целей конференция достигла. Во-первых, определены ориентиры в становлении начинающих журналистов; во-вторых, их старшие коллеги поделились бесценным опытом, который, несомненно, пригодится молодежи в ее профессиональном росте.

Юлия МЕЛЕНТЬЕВА,
Аброр ЕСХОДЖАЕВ.



Времена изменились, изменились ритуалы празднования, но не изменилась суть праздника. Он был и остается одним из любимых дней студентов. Татьянин день – это не только праздник студенческой братии. Это праздник всех тех, кто, независимо от национальности и возраста, до сих пор чувствует в себе дух студенчества.

«ВЕСЬ МИР – ТЕАТР...»



Театральное действо еще в древние времена завораживало зрителя, заставляло его сопереживать героям пьесы, плакать и смеяться. В наши дни театр не утратил своего значения. Подтверждением тому служит группа студентов-энтузиастов, решивших создать свой мир искусства со старыми персонажами и новыми проблемами.

В мае 2004 года при Самаркандском государственном институте иностранных языков была образована студенческая театральная группа «Ника». Название обязывает членов коллектива стремиться быть на высоте. И они успешно выполняют свою задачу. Первые спектакли молодые актеры ставили в виде интеллектуальной игры. Татьяна Ниязова, преподаватель вуза и художественный руководитель студии, предложила студентам создать новую, не похожую на обычные, игру. «Молодежь, отдыхая, сможет развиваться интеллектуально», – говорит она.

Игра получила своеобразное название – «Путешествие дилетантов». Юные лицедеи объясняют это тем, что сами они далеко не асы своего дела, а потому хотят вместе со зрителем больше узнавать, нежели заявлять, будто им все известно. Вопросы игры направлены на выявление деталей, которые могут остаться незамеченными при прочтении произведения. Например, команды в ходе игры открывают для себя и зрителей, как Остап Бендер разбирал стулья без перочинного ножа, сколько заплатил за проезд в трамвае Кот Бегемот из «Мастера и Маргариты». Постановки группы, по словам самих студентов, ломают стереотипы, после спектакля зрители вновь перечитывают классику.

За время существования театральной группы студенты старались раскрыть и социально значимые вопросы: проблемы наркомании, больных сахарным диабетом, инвалидов. Татьяна Ниязова считает, что об этих проблемах можно читать долгие и скучные лекции, но лучше, преподнося их зрителю, помочь осмыслить важные вопросы. «Одной из своих постановок мы заставили зрителя прийти к тому, что проблемы инвалидов можно решить только добротой», – добавляет художественный руководитель.

Но «Ника» не ограничивается социальными «роликами» и интеллектуальной игрой. Год спустя студентам удалось сыграть сложные роли с преобразованием в спектакле по произведению Бориса Акунина «Проблема-2000». По сценарию один актер в течение всего действия воплощает два противоположных образа: человека времен XIX века и бизнесмена XX столетия. «Раньше мы играли стандартные классические роли, но в годовщину нашего театра попробовали показать более «тяжелую» художественную постановку. В произведении Бориса Акунина мы нашли то, что искали», – рассказывает режиссер Оксана Стеренко.

И это далеко не последняя постановка. У группы много грандиозных планов и идей. Борис Акунин сложен, без сомнения. А чеховская «Чайка»?

Умение находить нечто неординарное, свежий взгляд и оригинальный подход, вечный поиск новых решений – таковы основные черты работы студентов. «Студенты всех вузов, присоединяйтесь!» – приглашают они. В театральной группе может играть каждый, кому важно знать, каким будет его завтра. Прошлое и современность, классическое и реалистическое – все это можно увидеть не только на сцене, но и в жизни. Просто нужно вовремя открыть глаза и не отворачиваться.

Нафиса АБДУХАЛИКОВА.



ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

ЎҚИТИШ СИФАТИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ



Профессионал армия ҳарбий хизматчиси ҳар томонлама билимдон, маънавияти бой ва жисмонан чиниққан бўлиши шарт-дир. Изчил ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги Қуролли Кучларимизда ҳам асосий диққат-эътибор айнан профессионаллардан ташкил топган миллий армияни шакллантиришга, уни замон талабларига тўла жавоб бера оладиган, ҳар қандай кучга қарши чиқа оладиган ҳамда халқ хавфсизлиги ва тинчлигини мустаҳкам ҳимоя қила оладиган қудратга ва салоҳиятга эга бўлишига қаратилган.

Маълумки, мустақил республикамиз Қуролли Кучлари ташкил этилганидан буён, яъни 14 йил ичида бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Офицер кадрларни, сержантларни тайёрлашда билим бериш сифатини яхшилашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар ўзининг долзарблигини ҳамон йўқотмаганидан хабардорсиз. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида бўлиб ўтган навбатдаги илмий-амалий анжуман ҳам айнан бугунги куннинг муҳим мавзуси – «Чет тилларни ўқитишда инновацион усулларни қўллаш» масаласига бағишланди.





Олий ҳарбий билим юрти тиллар кафедраси томонидан ташкиллаштирилган мазкур анжуманда «Шарқда методиканинг шаклланиш тарихи», «Чет тили дарсларида компьютер технологияларидан фойдаланиш», «Ўқув жараёнида инновацион технологияларни қўллаш», «Қабул қилишнинг психологик ўзига хосликлари», «Курсантлар билан машғулотдан ташқари олиб бориладиган илмий иш турлари» сингари мавзулардаги маърузалар тингланди.

– Мен, «Чет тилларни ўқитиш ва ўрганишда интернетнинг имкониятлари» мавзусида чиқиш қилдим,– дейди Жаҳон тиллари университети ўқитувчиси Тоҳир Аҳмаджонов.– Интернет тизимининг ҳаётимизга тобора шиддат билан кириб бораётгани ва кенг имкониятлари мавжудлигини инобатга олсак, хориж тилларини ўқитишда ҳам нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини англаймиз. Дейлик, онлайн тизимида ўқиш ёки дарс ўтиш, дунёнинг энг нуфузли билим даргоҳлари маълумотлар базасидан, кутубхоналаридан фойдаланиш нафақат қулайлиги ёки тезкорлиги, балки самарадорлиги билан ажралиб туради.

Қизиқарли ва савол-жавобларга бой тарзда кечган илмий-амалий анжуманда билдирилган хилма-хил фикрлар чет тилларни ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши аниқ. Шунингдек, янгиликларни ҳаётга татбиқ этиш борасида дуч келадиган муаммоларни матонат билан енгиб ўтиш ҳам жуда муҳим.

Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ олган суратлар.

ОШИҚ ТАЛАБАНИНГ РАШКИ

– Мени нега уряпсан?!

Юз-кўзларига дўлдай ёғилаётган мушт ва тепкиларимга аранг чап бериб улгураётган энг яқин дўстим Акромнинг иккаламиз ҳам чарчаб ўтириб қолгач, илк берган саволи шу бўлди. Бунга жавобан сакраб турдим-да, яна дўппослай кетдим. Акром уришишни яхши билади. Уришганда рақибини ёмон савалайди. Аммо ҳозир менинг қалтакларимга дош беролмай шафқат сўрашга мажбур бўлди.

– Вой, ярамас! Бас қил энди!

Мен эса бас қиладиган аҳволда эмас эдим. Агар шу пайт Нафиса кириб қолмаганида...

Воқеа аслида бундай бўлганди. Қизлар ётоқхонасига кириб бордим-у, севгилим Нафиса яшайдиган қаватга кўтарилиб, унинг эшиги олдида қалин ўртоғим Акромни кўрдим. У бир қизнинг қўлидан тутиб ичкарига кириб кетаётганди. Дафъатан хаёлимга Нафиса билан иккаласи мени лақиллатиб юрибди, деган шум фикр келди-ю, ўзимни босолмай тўғри югуриб бориб уни дўппослашга киришдим. Газаб кўзимни кўр қилиб қўйган экан, бир бурчакка тиқилиб кўрқиб турган Саодатни кўрмабман. Саодат Нафисанинг ўртоғи. Ўша куни Акромнинг илтимосига биноан Нафиса Саодат билан уни хонада холи қолдириб чиқиб кетган, бир иш билан ўша ердан ўтаётганда эса ичкаридан эшитилаётган инграш, ҳарсиллаш ва гуп-гуп калтак товушларини эшитиб, ҳайрон бўлиб бош суққан экан. Қилган ишимдан пушаймон бўлиб, Акромдан узр сўрай бошладим.

– Лаънати! Ҳўкиздай кучинг бор экан, сира бас келолмадим-а! Бўлмаса ўзим ҳам бир мириқиб муштлашишга иштиёқманд эдим, – деди Акром инграб. – Мен энди одам бўлмасам керак. У аёниқса, Саодатнинг олдида калтак еб қолганидан хижолатда эди.

Акром одам бўлиб кетди. Ўша куни жанжални тўртовлон биргалашиб ош қилиб орадан олиб ташладик. Ошдан сўнг Акром туфлисини кийиб, кетишга чоғланаркан, ҳазилҳузул гаплар аралаш юзимга кулиб қараб, «Сен мени билмайсан-да, жўра. Сени ҳурмат қиламан. Ё менинг бировдан қарз бўлиб қолганимни эшитганмисан?» – деди. Ҳайрон бўлиб елка қисганимда, жағимга кучли зарба келиб тушса бўладими! То ўзимга келгунимча у қочиб улгурган эди. Коридорнинг охиридан унинг, «Шунақа, оғайни. Сендан ҳам қарз бўлиб қолмайман!» – деган овози эшитилди. Менинг эса кулгим қистади. Майли, дўстим, майли. Кечирсанг бўлгани. Ҳар ҳолда, бир муштга ўлиб қолмасман. Уни хўп саваладим, чидаб берди-ку! Зап аломат даврда, талабалик.

Я.КОМИЛОВ оққа туширди.

МНЕНИЕ

ИЗ «ВТОРЫХ РУК»



Яркая вывеска у входа в магазин призывно манит любопытный глаз: «Качественная одежда из Европы. Низкие цены». Обещание невысоких расценок, бесспорно, согревает душу и немного отвлекает от надписи пониже – «Second hand». Что же такое «Second hand» – новомодная фраза или что-то более существенное?

«Вторые руки» – коротко, но совершенно точно окрестили американцы вывезенную на прилавках, ношенную кем-то до вас одежду. Вы, дорогие наши читатели, быть может, брезгливо поморщились при этих словах, но как свидетельствует статистика, во многих странах, напротив, не видят в этом ничего постыдного или антигигиеничного. Перед продажей весь товар проходит тщательную дезинфекцию (вот откуда тот типичный резкий запах химикатов от любой вещицы «second handa»). Затем товар сортируется по качеству и отправляется в магазины. Вообще, подобные заведения торговли одеждой «вторых рук» в заграничных государствах не прячутся на задних улочках города. Они, как правило, находятся на центральных торговых улицах, причем очереди у таких магазинов отнюдь нередки.

Как же обстоит дело с «second handom» у нас? В Узбекистане такой вид индустрии появился сравнительно недавно. Магазины «Second hand» скромно и почти незаметно появлялись в городе, но вскоре обрели широкую массовость и нашли своих покупателей. Как правило, это экспериментирующая со своим внешним обликом молодежь, просто экономные граждане, а также люди с высокими запросами к качеству и стилю одежды. И перед ними не стоит животрепещущий вопрос: «Кто носил эту вещицу до ее вторичного выставления на прилавке?»

«Я приобретаю одежду «second handa» без каких-либо угрызений совести. Это все чьи-то предрассудки, – поделилась с нами студентка Виктория С. – Посмотрите на меня. Разве можно сказать, что эта дубленка вторичного употребления? Главное – не говорить подругам об этом, вот и все».

Как видим, несмотря ни на что, боязнь общественного мнения все-таки остается, хотя вышеупомянутая призывная вывеска привлекает к себе все больше и больше людей.

Юлия МЕЛЕНТЬЕВА.

МОЯ НЕДЕЛЯ

Сулаймон КОДИРОВ, начинающий футболист:

– Шоком стало для меня известие об уходе из большого спорта Миржалола Касымова. Он – легенда отечественной летописи футбола, звезда СНГ и Азии, его имя у всех на устах, если говорят об узбекском спорте. Он не молод, но разве это помеха? Найти ему достойную замену пока не кажется мне реальным, настолько Касымов уникален. Я очень надеюсь, что когда-нибудь мне выпадет честь встретиться с великим футболистом лично, пообщаться, а сейчас я могу лишь пожелать ему успехов во всех начинаниях.

Эльмира ТУЛЯГАНОВА, студентка ТГПУ:

– На днях мне посчастливилось побывать на празднике хризантем в Галерее изобразительного искусства. Я вообще обожаю цветы, не важно – какие, а там я увидела нечто невероятное! «Неужели такие красивые цветы существуют в природе?» – спрашивала себя я, и ответ был утвердительный. Мы-то привыкли к стандартным гвоздикам, розам, гладиолусам, а о том, что выращивать цветы – целое искусство, всегда забываем. Жаль, что праздник длился только несколько часов, а то я всем посоветовала бы прийти.

Елена КАХХАРОВА, ученица 10-го класса:

– Сбылась моя мини-мечта – я, наконец, посмотрела фильм «Дневной дозор», выхода которого я с таким нетерпением ждала. Еще в декабре того года мне предлагали пиратские копии посмотреть, но я все время отказывалась, потому что совсем не хотела портить себе ощущения от фильма из-за плохой картинки и звука. И правильно сделала! На большом экране «Дневной дозор» был великолепен. Это, конечно, не такой фильм, который я бы купила для своей домашней видеотеки, – больше развлекаловка, чем кино для Канн или «Оскара». И все же здорово!

Алина СОБОЛЕВСКАЯ, студентка НУУ:

– Совсем недавно я прочитала известнейшую книгу Джорджа Оруэлла «1984», и мне потребовалось некоторое время, чтобы осмыслить прочитанное. Ужасающая действительность, управляемая Большим братом, который загоняет людей в единые рамки, контролирует любые мысли и поступки. Прошел давно 1984 год, прошли годы всевластия единолично правящих тиранов, но осталась книга как предупреждение будущему, которому может грозить что-то похуже.

Ведущий рубрики Роман РОМАНОВСКИЙ.

ПИРИ КОМИЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарвоқе, мен ҳам бу алломанинг Алишер Навоий байтларидан холи нутқини эшитмаганман. Навоий шеърлари унинг нутқини маъно гавҳарлари билан бойитиб, файз ва жаранг бағишлаб турадиган воситадир. Лекин Азиз Қаюмов республикада битта-да! Унга ўхшаб Навоий шеърларини тушуниб айтадиганлар эса жуда кам. Биз Навоий меросини шундай ўқитишимиз, ўргатишимиз, тарғиб этишимиз керакки, халқимизнинг етти ёшдан етмиш яшаригача бўлган вакиллари гаплашганда, бемалол Навоийдан байту ғазаллар келтириб гапириш даражасига етишсин. Бу – орзу. "Орзуга айб йўқ", дейдилар. Шояд қайсидир бир бахтли авлодимиз шундай орзуланган (идеал) маънавий даражага кўтарилса.

Орзуланган, комил инсонлар жамиятини яратиш орзусидамиз. Бунда кимдир ўрнак бўлиши ҳам керак. Комиллик нисбий тушунча, албатта. Ҳар томонлама комил инсоннинг ҳаётий моделини яратиш ёки жамиятнинг бирор вакилини танлаб, мана бу комил инсоннинг намунаси деб тақдим этиш қийин. Лекин, инсониятнинг ўтмиш маданиятини мукаммал ўзлаштирган, аждодларнинг эзгу фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, кундалик ҳаёти ва фаолиятида умуминсоний ғоявий-маданий меъёрларга амал қиладиган кишиларни комил одамлар десак, адашмасак керак. Азиз Қаюмов эса ана шундай ибратли, улуғ зотдир. У фақат Навоий эмас, энг қадимги даврлардан бугунгача халқимиз томонидан яратилган миллий маънавий меросни ўзлаштирган, адабиётимиз тарихининг исталган даври, адабий сиймоси, асари, образи, муаммоси хусусида бемалол фикр юрита оладиган, илмий иш ёзадиган, нутқ сўзлайдиган ноёб илмий салоҳият соҳибидир. Олимнинг беш жилдли «Ўзбек адабиёти тарихи» тадқиқоти таркибидаги ишлари, "Қадимият обидалари" китоби, Алишер Навоий "Хамса"сининг ҳар бир достонига бағишланган китоблари, кейинги даврларда эълон қилинган мақолалари – барча-барчаси фикримизни тўла тасдиқлайди.

Олимлар кўп. Аммо, олимлардан олимларнинг фарқи бор. Ҳозирги замонда шундай олимлар борки, Алишер Навоий асарларининг асл матнларини ўқимасдан, насрий баёнлар ёки бошқа замонавий табдиллар асосида Навоий ва унинг ижодиёти ҳақида мақолалар, китоблар ёзмоқдалар, чоп этмоқдалар. Замон шуни кўтармоқда. Яна шундай бир тоифа олимлар борки, улар Навоий асарларини фақат жорий имлода ўқий оладилар, холос. Аслиятдан хиёл узоқ бўлсалар-да, уларнинг талқинлари ҳам қабул. Бироқ Азиз Қаюмов қадимий қўлёзмаларни эркин мутолаа қиладиган, асарларини улар асосида таҳлил ва талқин этадиган, манбашунос ҳамда матншунос олимдир. Асл манбалар билан шуғулланадиган олимлар адабиёт илмининг заргарлари, заршуносларидир. Улар талқинда адашмайдилар, чунки мумтоз адабиётдаги ҳар бир нуқтанинг маъносини чуқур англайдилар.

Азиз Қаюмов юзлаб илм толибларига раҳнамолик қилган пири комил устоздир. Каттаю кичик тадқиқотчиларга тўғри йўл кўрсатиш, ҳалол раҳбарлик, ҳомийлик қилиш, керак бўлганда, ҳимоясига олиш, паноҳ бўлиш олим учун энг олий фазилатлардан биридир. Азиз Қаюмовдек некбин ва бағрикенг инсонларга шогирд бўлиш ёки у раҳбарлик қиладиган жамоада ишлаш насиб этиши ёш олим учун катта бахт ҳамда омаддир. Бунга яқин йигирма беш йиллик тарихдан ўнлаб мисоллар келтиришим мумкин. Бугунда авжи куч-ғайратга тўлган, фаол олимларимиздан филология фанлари докторлари Насимхон Раҳмонов, Боқижон Тўхлиев, Қосимжон Содиқов ва бошқалар ана шу пири муршид парваришида камолга эришдилар. Бошқа икки заҳматкаш олим қисматини қиёслаганда, илмий иқтидорни қадрлаш ва унга ғамхўрлик қилишнинг шарофати янада яққолроқ намоён бўлади. Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти Тил тарихи бўлимида қадимги давр туркий тилларининг зукко билимдонларидан Қаюм Каримов ва Қозоқбой Маҳмудовлар бирга ишлардилар. Икковлари ҳам филология фанлари номзоди илмий даражасига эришган, докторлик диссертациялари ҳам қарийб тайёр ҳолатда эди. Ўша пайтлар иш ўринлари қисқардими, нимадир бўлди-да, Қозоқбой Маҳмудов Азиз Қаюмов раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон Фанлар Академияси қўлёзмалар институтига ўтиб кетдилар. У ерда Қ. Маҳмудовнинг ижодий имкониятлари тўла очилди ва ярқ этиб республика жамоатчилиги кўзига ташланди. Олим қатор мақолалар ва китоблар ёзиб эълон қилди. Тез орада докторлик диссертациясини ёқлади. Қ. Каримов эса уч қадимий ёдгорлик асосида улкан изоҳли луғат тайёрлаган эди. Уни нашр этолмай, фидойи олимнинг узоқ ва муттасил саъй-ҳаракатлари зое кетди. У докторлик диссертациясини ҳам ёқлаёлмай, оламдан ўтди (Оллоҳ раҳмат қилсин). Азиз Қаюмов раҳбарлигидаги қўлёзмалар институтида ишлайдиган олимлар Фозила Сулаймонова ва Мавжуда Ҳамидовалар муваффақиятли равишда фан доктори илмий даражасига эришдилар. Яна айрим илм йўлидаги хизматлари улардан кам бўлмаган таниқли олималаримиз борки, А. Қаюмов раҳбарлиги остида бўлганларида, аминманки, улар ҳам аллақачон фан докторлиги илмий даражасига эришган бўлар эдилар. Бу раҳбарнинг хайрихоҳлиги, ғамхўрлиги қўл остидаги илмий ходимлар фаолиятини мақсад сари сафарбар этиш маҳоратидан далолат беради. Кўп эшитганман, А. Қаюмов эндигина фан номзодлиги диссертациясини ёқлаган умидли ёш олимларни, фурсатни бой бермасдан, зудлик билан докторлик тадқиқотига киришишга даъват этар эканлар. Яхшидан – шарофат деганлари шу бўлса керак.

А. Қаюмов таниқли жамоат арбобидирлар. Кези келганда, илм-маърифат билан ижтимоий-сиёсий йўналишни мувофиқлаштирган ҳолатда фаолият кўрсатдилар. Кўп йиллар мобайнида домла Олий Мажлисда депутат, Миллий Тикланиш партиясида етакчи сифатида ўзларидаги кучли эрудиция – ақл-заковат қудратини янги давлат ва жамият қурилишининг мураккаб ўтиш давридаги долзарб муаммоларига ечим излашга сафарбар этдилар. А. Қаюмовдек маънавий комил зиёлилар ўз фаолиятларининг маҳсулдор ва таъсирчанлиги жиҳатидан давлат ҳамда жамиятнинг ноёб таянчидирлар.

Ушбу табаррук сиймо истеъдодининг ҳаётбахш қирраларидан бири нотиқлик санъатидир. У нотиқ сифатида адабий меросимизнинг энг сара, мағзи тўқ, жарангдор намуналарини ўз ҳофизасида жамлаган. Нотиқ таклиф этилган ҳар қандай жойга беминнат, камоли камтарлик ва хокисорлик, юксак интизом масъулияти билан, гўёки тирик бир маънавий хазинадек ташриф буюради. Мавзуга доир гўзал байту ғазаллар, достон парчалари унинг мангуликка муҳрлаб олган тиниқ хотирасидан қуйилиб келаверади. Ҳозирги адабий тилда тушунарли, содда, равон баён этиладиган сайқалдор талқинлар эса тингловчиларни сеҳрлаб олади. Нутқининг мазмундорлигидан бир лаззатланган тингловчи нотиқнинг очиқ ва самимий чеҳраси, мафтункор нигоҳи, кўнгилларни ром этувчи нотиқлик маҳоратидан икки карра завқланади. Сон-саноқсиз байтларнинг дилдилдан чиқариб айтилиши, мукаммал таҳлил этилиши мароқ билан тингланётган тингловчилар аудиториясида нотиқ бутун Шарқ мумтоз адабиётини, Алишер Навоий ижодиётини ялписига ёд билса керак, деган таассурот туғдиради. Унинг маърузасига кирган маънавий ташна одамлар маънан бойиб, дарддан юраги тўлиб юрган кишилар эса кўнгиллари бўшаб, таскин-тасалли топиб чиқадилар. Қани энди бармоқ билан санарли шундай нотиқларимизнинг ўнлаб нутқлари намунавий равишда видеокассеталарга ёзиб олинса ва нотиқлик санъати дарсларида амалий таҳлил этилса. Афсуски, истеъдодларни бундай қадрлаш даражасига ҳалиҳануз етиб келолмаяпмиз.

Зикрида сўз кетаётган зоти шариф дўсту биродарлик одобида, ўзаро ҳурмат-иззатни сақлаш маданиятида беназир ибратли мураббийдир. У кишининг талабалик дўстлари, менинг устозим, атоқли навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов билан беғараз, самимий, чуқур муҳаббат ва эҳтиромга асосланган дўстона муносабатларида Навоий ва Жомий шундай дўст бўлган бўлсалар керак, деган тасаввур уйғотарди. А.Қаюмовни курашчан, мураккаб ҳаётнинг баҳсли вазиятларида, жумладан, ҳакамлик мақомида ҳам кўрганман. Домланинг ўта вазминлик билан, холис мақомда туриб, ожиз тарафни кучли, ҳужумкор томоннинг таҳликали зарбаларидан мудофаа қилишдек қалтис вазиятда ҳам асабийликни мутлақо сездирмасдан, очиқ чеҳра, самимий кулги, ҳушмуомала билан иш тутишларини кўриб қойил қолганман, сабоқ олганман.

Навоий умр фалсафасини тавсифлаганида, «Саксон аро фарздур ўлтурмоғинг» деган эдилар. Лекин устоз А. Қаюмов қутлуғ саксон ёшларида ҳам қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. У киши ҳали ижодий илҳом ва куч-ғайратга тўлиқ. Ҳамон мунтазам равишда севимли илмий-ижодий масканлари – Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейига ишга борадилар ва қадимий қўлёзмалар устида мутолаа юритадилар. Улуғ устознинг умрлари ва ижодларига барака тилаб қоламиз.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори.

Санъат оламига саёҳат

СИРЛИ ОЛАМ ОҒУШИДА

Санъат – бетакрор ва мафтункор олам. Унга бир бора ташриф буюрган киши сирли манзаралар, бир-биридан гўзал ва жозибадор манзиллар, ёқимли чизгилардан дили яйраб баҳра оларкан, ушбу таассуротларни унутолмаслиги аниқ. Айниқса, у санъат турларининг бирлашиш жараёни кузатилаётган бугунги замонавий бадиий маданият кўриниши гувоҳи бўлган бўлса. Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўтказилган тадбирда эса айнан шундай манзарани яратишга эришилди, яъни мусиқа, ҳайкалтарошлик, рассомчилик, инсталляция намуналари ўзаро уйғун равишда намойиш этилди.

– Бундай ажойиб тадбирда илк бор қатнашишим,–дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти биринчи курс курсанти Бахтиёр Йўлдошев юқоридаги фикрларимизга ҳамоҳанг равишда. Дарвоқе, суҳбатдошим ҳарбий, аниқроғи офицер бўлишни олдига олий мақсад қилиб қўйган ёш авлод вакилларидан. Айнан офицер дейишим бежиз эмас. Чунки муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаган ўша пайтдаги оддий аскар Йўлдошев шартнома асосида ҳам хизмат қилган. Бу ёғига сержантлар тайёрлаш мактабига йўл олиши мумкин эса-да, армияда чиниққан, тажрибали устоз офицерлар сабоғини олган ўғлон офицерлик сари элтувчи курсантлик ҳаётини ихтиёр этган. – Ўзбек миллий чолғу асбоблари ва сўзаналари кўргазмаси, халқ усталари Шуҳрат Хўжамқулов ва Сайдамин Исоҳоновларнинг ишлари, керамикадан тайёрланган ҳайкаллар мен ва сафдошларимда жуда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, кеча қатнашчилари Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабалари яратган моделлар намойиши, мўйқалам устаси Максим Воронов расмларидан завқ олишди. Назаримда, ўнга яқин ижод намуналари билан иштирок этган рассомнинг она диёримиздаги зиёратгоҳ, қадамжолардан бири бўлмиш Шоҳи-Зинда мақбарасининг кун ботиш пайтидаги ҳолати тасвирланган асари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамда Миллий рассомчилик ва дизайн институти ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ўзига хос тадбир қатор халқаро ташкилотлар кўмагида ўтказилди.

Юқорида курсантнинг фикри келтирилишидан бўлғуси офицерлар ҳам мазкур кечада қатнашганларини тушунгандирсиз. Дарҳақиқат, Ватан ҳимоячиларининг шу зайлда дам олишлари, маънавий баркамоллик сари интилишлари, санъат вакиллари билан бевосита мулоқотда бўлишлари нафақат уларнинг дунёқараши, интеллектуал даражаси, балки ички дунёсига ҳам ўз таъсирини ўтказиши турган гап. Гўзалликдан баҳраманд бўлган, уни юраги билан ҳис эта олган инсоннинг доим эзгулик ва яхшиликка юз тутиши, руҳан тетик бўлиши аниқ. Ишончим комилки, санъат оламига «саёҳат» қилган тадбирнинг ҳар иштирокчиси уни узоқ вақт ёдидан чиқармайди, чиқара олмайди.

Кечани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Б.Расулов бошчилигидаги Ўзбекистон Давлат консерваторияси театр-студияси симфоник оркестри тақдим этган концерт дастури якунлаб берди. Томошабинлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Д.Миняева ҳамда А.Шариповалар ижросида жаҳон мумтоз мусиқаси дурдоналаридан парчалар тинглашди. Масалан, яратилганига қарийб 180 йил бўлган К.М.Веберннинг «Оберон» увертюраси шулар жумласидандир.

Катта лейтенант
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Нариман ШАЯКУБОВ олган суратлар.



МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – МУҲИМ МЕЗОН



(Давоми. Боши 1-бетда).

Яқинда телевизор орқали машҳур теннисчимиз Оқгул Омонмуродованинг нуфузли мусобақада – «Австралия - опен» халқаро турнирида Ўзбекистон шаънини мардона ҳимоя қилиб, илк учрашувни ғалаба билан якунлаганини эшитиб, юрагим ҳаяжонга, қувончга тўлди. Туркман миллатига мансуб ҳамюртимиз Ўзбекистон шаъни учун курашди, бор маҳоратини ишга солди. Бунинг сабаби юқорида айтиб ўтганимиздек, юртимизда қайси миллат, қайси дин вакили бўлишидан қатъи назар истеъдодини намойиш этиш, салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кенг шароитлар яратилганидир. Ёки арман миллатига мансуб ҳамюртимиз Артур Григорян «Қирол Артур» номини олиб, Ўзбекистон обрўсини жаҳонга янада машҳур қилганини олайлик. Шу ўринда бир мисолни келтириб ўтсам. Буни Артур билан халқаро мусобақага борган танишим айтиб берганди. Голиблик камарини белига маҳкам боғлаган ўзбекистонлик арман йигитининг олдига Арманистон вакиллари ҳамкорлик борасида таклиф билан келишган. Яъни Арманистон шаънини ҳимоя қилишини сўрашган. Тошкентнинг Чиғатой маҳалласида ўсиб-улғайган Артур бу таклифга рад жавобини берган экан. Бу аввало ундаги туғилиб ўсган юртига муҳаббати кучли эканлигидан далолат. Қолаверса, Ўзбекистонда барча миллат ва элатларнинг вакиллари учун, уларнинг кенг фаолиятлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилганидан далолат.

Антонина Хлебушкинани кўпчилик яхши эслашса керак. Болалар уйида бўлиб, унинг фаолиятини обдон ўрганган ҳамкасбим шундай деган эди: «Болажонлиги, фарзандларга меҳри, муҳаббатини кўриб, очиғи уни ўзбек деб ўйладим. Балким шу замин, шу юртдаги одамлардан олганмикин, битмас-туганмас меҳрни, дея хаёл қилдим».

Бош Қомусимизга юзлансак, барча миллат ва элатлар учун тенг ҳуқуқли шарт-шароит яратиб берилганини, яъни бу борада қонуний кафолат борлигини биламиз. Аниқроғи Конституциямизнинг 18-моддасида шундай ёзилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар». Бу умуминсоний тамойилларнинг ҳаётимизда ўз ифодасини топиб келаётганини кўриб турибмиз. Қолаверса, мамлакатимиз ҳудудида яшовчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилиши ҳақида ҳаётимиз Қомусида айтиб ўтилган.

Тўғри, ҳуқуқий асос бу борада муҳим аҳамият касб этишини ҳеч ким инкор эта олмайди. Аммо Ўзбекистонда кўплаб миллат, элатларнинг ягона оила фарзандларидек аҳил, тотув яшашлари замирида халқимизнинг ўзига хос менталитетини ҳам ҳисобга олмоқ даркор. Масалан, баралла айта оламизки, бу тотувлик, аҳиллик негизида бағрикенглигимиз мужассам.

«Соғлом инсон қайси бир миллатнинг тарбиясини олган бўлса, кейин унинг мафкурасига боғлиқ бўлиб қолади», дея эътироф этишади мутахассислар. Бу гапда жон бор, албатта. Ахир, юқорида номлари тилга олинган машҳурларимиз миллатимиз маънавий ҳаёти билан узвий бир асосда таълим, тарбия топишганини инкор этиб бўлмайди-да. Шунинг учун уларнинг ҳам юракларида «Ўзбекистон» тушунчаси худди бизникидек уриб турибди.

Бугунги кунимиз эмас, кечамиздан ҳам бунга мисоллар кўп топилади. Масалан, арман қизи Тамарахонимни олайлик. Ўзининг бетакрор санъати, хуш овози билан қайси маданиятга хизмат қилди? Албатта ўзбек ашула ва лапар санъатининг янада гуркираб яшнашига-да. Тамарахоним айтган қўшиқлар дурдона асарларга айланганини, ҳатто бугун ҳам уларни мароқ билан тинглашларини, энг муҳими арман қизи ўзбек санъатини жаҳонга янада машҳур қилишга умрини бахшида этганини қайта-қайта эътироф этса арзийди. Бошқирд қизи Галия Измайлованинг номи ҳам элимизга яхши таниш. Унинг ўзбек балерinаси сифатида қозонган шуҳрати бизнинг миллий ифтихоримизга, ғуруримизга айланган. Балким ёш авлод тилга олинаётган бу санъаткорлар ҳақида камроқ маълумотга эгадир. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, кекса авлод вакиллари ҳали бугун бу санъаткорларнинг юксак маданияти, санъати хусусида мароқ билан сўзлашади. Аслида ёшларимиз ҳам уларни англаши, билиши, маънавиятимиз, маданиятимизда уларнинг тутган ўрнларини ҳис қилмоқлари керак.

Севимли ёзувчимиз Мақсуд Шайхзоданинг адабиётимиз, маданиятимиз учун қилган хизматлари олдида ҳаммиша бош эгсак арзийди. Озарбайжон ўғлони ҳатто мустабид тузум тазйиқларига қарамай, ўз эътиқодига содиқ қолди. Маданиятимиз, маънавиятимиз гуркираб-яшнаши йўлида асарлар битди. Буюк аждодларимиз қораланиб, аллақандай қаҳрамонларни тузум мафкураси онгимизга сингдиришга уринаётган бир пайтда у Жалолиддин Мангуберди бобомиз ҳақида асар ёзганининг ўзи катта жасорат, қаҳрамонлик эди, аслида.

Яҳудий миллатига мансуб машҳур бастакор Мутаваккил Бурҳонов Ўзбекистон учун қилган муҳим ишларини биргина миллат қўшиғи – Давлатимиз мадҳиясига басталаган куйининг ўзи ифодалаб турибди. Ёки унинг миллатдоши Натан Маллаевнинг хизматларини эътироф этмасдан бўларканми? Бу адабиётшунос олимимизнинг ўзбек адабиёти тарихи борасидаги билимдонлиги ўзбек ҳамкасбларидан қолишмаслигини кўпчилик яхши билади. Унинг яратган асарлари, амалга оширган илмий тадқиқотлари адабиётимиз келажаги учун ҳам хизмат қилаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Гап мамлакатимизда аҳил, иноқ яшаб келаётган турли миллат вакилларининг тараққиётимизга, маънавиятимизга, маданиятимизга қўшаётган улкан улуши ҳақида кетар экан, Президентимизнинг қуйидаги фикрларига эътибор қаратиш лозим: «Азалдан мана шу қадимий ва муқаддас Ўзбекистон заминида турли маданият ва цивилизациялар вакилларининг ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келгани халқимиз табиатига хос бўлган меҳр-оқибатлилик, тинчликсеварлик, очиқлик ва саховатпешалик каби ноёб фазилатларнинг янада кучайишида муҳим омил бўлди, десак асло хато бўлмайди».

Яхши биламиз, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ миллий муносабатларга катта эътибор қаратилди. Хотирамда бор, ўша пайтларда ҳатто «Ўзбекистонда миллатчилик кайфияти авж олган. Айрим миллат вакилларига нисбатан камситилиш ҳолатлари пайдо бўлмоқда» қабилидаги ахборот хуружлари ҳам бўлган. Тўғри, турли ёт кучлар миллатлар ўртасига низо солишга, бу билан мамлакатда, минтақада хавфсизлик ва барқарорликка раҳна солишга уринган рост. Қолаверса, тарихдан бир нарса аниқ. Милатлар ёки этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатларда анъанавий уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўп элатлилик омили давлатнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали таъсир этади. Ана шуни англаганлар низо уруғларини сочишга уринишганди-да. Аммо доно халқимиз бу фитнаю ғаволарга алданиб қоладиган эмас. Йиллар давомида шаклланиб келган бағрикенглигимиз, меҳр-оқибатлилигимиз, тинчликсеварлигимиз ҳавойи ғоялардан устун турди. Бу тушунчалар, айниқса бағрикенглигимиз шунчалар кучлими? Бунга шубҳаси борларга айрим тарихий маълумотларни эслатиб ўтайлик. Сталин қатағонлари даврида очарчилик қанчалар фожиаларга сабаб бўлгани ўтмишдан маълум. Ўша пайтларда юртимизга, Тошкентга турли миллат вакиллари келишиб, жон сақлаб қолишгани, ўзбекларнинг бағрикенглиги, меҳри уларни ҳаётга қайтарганини биламиз-ку. «Тошкент – нон шаҳри» дейилганда ҳам кўпроқ бағрикенглигимиз, меҳримиз, саховатимиз кўзда тутилган.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
(Давоми бор).

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!

ҲАФТА ГЎЗАЛИ



Соҳибжамоллар руknининг бу галги соҳибжамол меҳмони латофатли тенгдошингиз – Ойгул Муқимова бўлди!

Айни пайтда Ойгул Тошкент шаҳридаги педагогика коллежларидан бирида таҳсил олмоқда. Келажакка умид ва ишонч билан қараб, дадил олға интилаётган бу қизнинг режалари улкан. Коллежда таҳсилни муваффақиятли якунлагач, институтда ҳам ўқиб билим ва малакасини янада оширишни, юртимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилиб, тараққиётимизга ўз ҳиссасини қўшишни астойдил мақсад қилган.

Ғайрат ва шижоатли ёшлар турли саргузаштларга иштиёқманд бўлиши табиий. Қаҳрамонимиз ҳам чет элларга саёҳат қилишни, кўҳна ва тарихий обидалар, жаҳон санъати дурдоналари билан ошно бўлишни, кўплаб дўстлар орттиришни жуда-жуда хоҳлайди.

Ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва мудом тафаккурини бойитиб бориш – унинг ҳаётда амал қиладиган эзгу шиори. Унинг кўзлаган мақсадларига албатта эришишига чин дилдан тилакдош бўлиб қоламиз.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

В МИРЕ РЕКОРДОВ

● Согласно данным ежегодного отчета журнала «Foreign Policy», в последние годы в мире появилось свыше 130 млн. новых пользователей Интернета. В общей сложности в Сеть имеют доступ более 620 млн. человек, или больше 10% населения Земли. При этом основной прирост пришелся не на индустриально развитые, а на развивающиеся страны. Например, за год число пользователей Интернета в Индии выросло на 136%, а в Бразилии – почти на 79%.

● Руководители корпорации MCI (более известная под старым названием «WorldCom») поставили рекорд по превращению убытков в прибыток. Второй по величине оператор дальней связи США пририсовал в своей бухгалтерской отчетности 74,4 млрд. долларов несуществующей прибыли, чтобы скрыть от акционеров и партнеров убытки в 64,5 млрд. долларов.

● В США сыгран самый длинный матч в мире. Студенческие команды Атлантического дивизиона американской лиги NCAA «Дюк» и «Северная Каролина» провели баскетбольный матч, длившийся 2 с половиной дня, установив при этом мировой рекорд в номинации «Самая длинная беспрерывная игра». «Дюк» одержал победу со счетом 3688:3444. Игра, длившаяся 58 часов, началась в субботу в 8 утра и закончилась в понедельник в 6 часов вечера.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо қаламига мансуб қуйидаги шеър қўшиқ тарзида ҳофизлар томонидан куйланиб келинмоқда. Унинг Ватан ҳимоячилари қалбидан ҳам жой олгани, ола билгани аниқ.

АЙТГИЛ, ДЎСТИМ

Бошинг эгиб, таъзим айла, шукрона айт,
Сени гулдек эркалаган чаман учун.
Осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайт,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Кўзи қора, юраги оқ шу эл учун,
Тупроқ учун, шу юрт учун, чаман учун,
Улуғ инсон бошлаб берган шу йўл учун,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Элдан кетиб, эл бўлганни ким билади?
Дон ахтарган гўштхўрларга ем бўлади.
Дил қонаса, она тупроқ эм бўлади,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Қачонгача қорнинг ўйлаб ўтадирсан?
Қачонгача кўкдан чалпак кутадирсан?
Ахир Ватан битта, сен ҳам биттадирсан,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Бунча бино қўйманг заррин чопонларга,
Саратонда япроқ бўлгин деҳқонларга,
Суянгани таёқ бўлгин чўпонларга,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Ҳеч кимдан кам эмассан, кам бўлмагайсан,
Ерда қолсанг, офтоб бўлиб кулмагайсан.
Қачон белни маҳкам тортиб боғлагайсан?
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Шу сойлардан сувлар ургин юзингга сен,
Бир бор назар солгин босган изингга сен,
Шу саволни бериб кўргин ўзингга сен,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

БОЛТОВНЯ ИЛИ ЧУВСТВА

Бессмысленный треп по сотовому телефону опасен для развития нормальных человеческих отношений – к такому выводу пришли специалисты. Нынешняя молодежь, проболтав друг с другом весь день по мобильнику и встретившись вечером, стесняется, не знает, как держаться, как вести себя с собеседником, как поведать о своих чувствах и переживаниях.

Строить отношения в реальности, а не посредством телефона они не умеют – и чем дальше, тем больше. Ведь прогресс на месте долго не стоит!



SMS-РЕВОЛЮЦИЯ



Каких-то пять лет назад мы ошибочно считали, что телефон существует для того, чтобы разговаривать. Теперь средний житель Земли тратит больше денег на SMS-сообщения, чем на мобильные звонки.

КАК ЭТО БЫЛО

Служба «Short Message Service» – сокращенно SMS – появилась в меню операторов сотовой связи в 2000 году как забавная безделушка. Оценили ее спустя два года, когда многочисленные операторы столкнулись с угрозой классического кризиса перепроизводства. С одной стороны, количество мобильных телефонов росло с поразительной скоростью, но в то же время доходы от самой мобильной связи заметно упали.

Вступив на путь SMS-развития, операторы только за год удвоили свои доходы от простой пересылки текстовых сообщений. В той же Японии сегодня уже свыше 50 процентов оборота всего мобильного рынка делается за счет не телефонных переговоров, а дополнительных SMS. А в России каждый из 74,4 миллиона владельцев сотовых телефонов потратил на SMS-ки по $4 – 5. На что же тратятся эти деньги?

СООБЩЕНИЯ

На первый взгляд, залог популярности SMS-ок – сочетание мобильности и экономии. Вместо того чтобы транжирить деньги на разговоры (большая их часть сводится к вопросу: «Ты сейчас где?»), проще за символическую плату послать SMS-ку. Доля прибыли, полученная от обмена текстовыми сообщениями, составляет почти 50 процентов от общего дохода на рынке SMS-услуг.

ИГРЫ

Самое быстроразвивающееся направление – SMS-игры. Доходы от мобильных игр растут в два раза быстрее, чем доходы от SMS-услуг в целом. По прогнозам некоторых западных аналитиков, к 2007 году в SMS-игры будут играть каждый 25-й землянин, а ежегодный оборот этого бизнеса достигнет $800 млрд.

РАССЫЛКИ

Вторая составная часть SMS-культуры – многочисленные службы рассылок, действующие по принципу «пришли SMS-ку на номер XXX – и получи мелодию (анекдот, картинку)».

Замене стандартной телефонной трели любимой мелодией человечество обязано американским тинейджерам, придумавшим эту «фишку» в конце 90-х. Первый рингтон был сделан на домашнем компьютере, откуда попал в Интернет. На новинку обратили внимание менеджеры музыкальных лейблов, которые решили использовать рингтоны в качестве маркетингового приема, дабы увеличить продажи компакт-дисков. Рингтоны превратились в личные гимны телефонных владельцев, которые, как и всякий гимн, призваны выполнять две важнейшие функции – отражать характер хозяина и нравиться мировому сообществу.

ИНТЕРАКТИВ

В эпоху виртуального телевидения, которое по прогнозам Билла Гейтса, создателя «Microsoft», уже не за горами, SMS-интерактив, вероятно, покажется детской игрушкой. Но сегодня это то направление, которое дает возможность понять, в какую сторону идет технологический прогресс. Мобильный интерактив позволяет зрителям не только смотреть программы по телевизору или слушать их по радио, но и принимать в происходящем полноценное участие. Всевозможные SMS-голосования сейчас – неизменная часть многих телевизионных шоу.

ФАКТ

В сентябре прошлого года на Швейцарской национальной выставке прошел первый в истории концерт мобильных телефонов. Собравшимся в зале зрителям раздали мобильники, а потом дирижер со сцены стал им поочередно звонить. В итоге получилась эдакая телефонная симфония на 26 минут.

БУНИ БИЛАСИЗМИ?

ҚОБИЛИЯТДА КИМ КУЧЛИ?

Германиялик профессор Гертруда Хеллер «Бўрилар орасидаги она бўри» номли китобида ёзишича, эркак кишининг мияси инсоният энди ривожлана бошлаган пайтданоқ шундай ишлайдики, у ўз йўлида қандай муаммоларга дуч келиши мумкинлигини умуман ҳисобга олмай туриб, ўз мақсадига осонликча эришишни хоҳлайди. Эркак киши ўз мақсадини худди туннелни кўраётгандек кўради.

Аёл кишининг миясига келсак, у умуман бошқача ишлайди. Аёл киши одатда биргина мақсадга эришиш билан чекланиб қолмайди. У мазкур ишни амалга ошириш жараёнида унга ғов бўладиган нарсаларни кўра билади. Аввал у ҳамма нарсани текшириб чиқиб, кейин ишга киришади. Аёл киши рўй бериши мумкин бўлган хавфни олдиндан сезиб, унинг олдини олишга имкон қадар ҳаракат қилади.

Айтилган ушбу гаплардан бир нарсани хулоса қилиш мумкин. Агар эркак киши дунёга торгина туйнукдан назар ташласа, аёл киши дунёга катта деразадан боқади. Хеллер хоним таъкидлашича, аёллар бўлмаганида эркак зоти кўпгина хатоларга йўл қўйган бўларди. Ишлаб чиқаришда аёл ва эркак бир-бирини уйғунлик билан тўлдиради. Бунга мисол тариқасида «радий» элементини кашф этганликлари учун иккита Нобель мукофотига сазовор бўлган эр-хотин Пьер ва Мари Кюриларни келтириш мумкин. Ўшанда Пьер агар ёнида Мари бўлмаганида унинг қўлидан ҳеч нарса келмаслигини тан олган. Бу борада олиб борилган илмий изланишлар аёлларда эркак кишида умуман бўлмаган фазилатлар борлигини кўрсатмоқда. Биринчидан, аёллар атрофдаги оламни тезроқ ва яхшироқ ҳис этадилар. Иккинчидан, улар ҳисоб-китоб бобида ҳам икки маротаба тезкордирлар. Учинчидан, оптик аниқлик билан боғлиқ айрим масалаларни фақатгина аёллар ҳал этишга қодир эканлар. Жаҳон оптик саноати барча ходимларининг 70 фоизини аёллар ташкил этиши ҳам бежиз эмас.


Дўстлик бобида ҳам эркак ва аёллар кескин фарқ қилар экан. Аёлларнинг ўзаро дўстлиги эркакларнинг дўстлигига умуман ўхшамайди, деб ҳисобланади. Агар эркаклар дўстлиги ишончли ва доимий бўлса, аёллар дўстлигига кўпинча сохталик оралаб, у узоққа чўзилмаслиги ҳам буни исботлайди.

Кузатилишича, эркаклар ўртасида дўстлик одатга кўра умумий иш фаолияти асосида вужудга келиб, ҳамкорликни эслатади. Аёллар эса бир-бирлари билан руҳий яқинлик сабабли дўст бўладилар. Айтилган ушбу фикрлар эркаклар умуман ҳис-туйғусиз дўст бўладилар, аёллар эса ўз дўстона муносабатларини иш асосида бошлай олмайдилар, дегани эмас. Ҳар ҳолда ушбу ҳолатлар олимлар томонидан кузатилган.

ҚЎРҚОҚМИСИЗ?

Ўзингизни ботир санаганингиз билан ҳаётда сизни чўчитадиган сабаблар барибир топилади. Ушбу тест сизнинг қанчалик довюраклигингиз (ёки аксинча)ни аниқлаб беради...

НИМАДАН ҚЎРҚАСИЗ? Олов ( ), табиий офат ( ), тиғли буюмлар ( ), қоронғулик ( ), илон ( ), сичқон ( ), ит ( ), тепалик ( ), берк жой ( ), жамоат ( ), касалдан ( ), ўғрилик ( ), очлик ( ), савдойи ( ), яқинликдан ( ), маиший асбоб ( ), сув ( ), ёлғизлик ( ), кексалик ( ), яқин инсонни йўқотиш ( ), бошлиқ ( ), самолёт ( ), террор ( ), медицина ( ), қон ( ), янгилик ( ), ақлсизлик ( ), нурланиш ( ), ўргимчак ( ), суварак ( ), ифлослик ( ), электр ( ), транспорт ( ), НУЖ ( ), рак ( ), ишни йўқотиш ( ).



НАТИЖА:

0 – 35 БАЛЛ: Сиз босиқ шахс бўлиб, ўзингизни қўлга олгансиз. Бундай тоифани таъсирга тушириш қийин. Сизни қўрқоқ, деб бўлмайди. Ўзингизга ишониб яшайсиз ва тўғри қиласиз.

36 – 71 БАЛЛ: Филдан пашша ясаб, ўзингизни бефойда безовта қилаверасиз. Доимо нимадир юз бераётгандек туюлаверади. Қўрқоқлик ҳукмрон бўлмаслиги учун ўзингизга ишониб иш тутинг.

72 – 108 БАЛЛ: Сиз қўрқоқлик салтанатидасиз. Руҳий машқлар билан шуғулланишни бошланг. Акс ҳолда, ногирон бўлиб қолишингиз ҳам мумкин. Иложи бўлса, руҳшуносга учранг.

Қўрқиш ҳисси билан боғлиқ рўйхатни ўқиб, уни баллар ёрдамида тўлдириб чиқинг. Ҳар бир бўш қавс ичига ўзингизга мос бўлган қуйидаги балларни беринг:

Қўрқмайсиз – 0 балл;
Бироз қўрқасиз – 1 балл;
Қўрқасиз – 2 балл;
Жудаям қўрқасиз – 3 балл.

МУРАККАБ МУАММОНИНГ ОСОН ЕЧИМИ

Бошингизга оғир ёки енгиллигидан қатъи назар ташвиш тушса, нима қиласиз? Балки тақдир, ҳаёт ёки кимлардандир нолий бошлайсиз ёки бутун дунё сизга қаршидек туюлар ва ўзингизни ер юзидаги энг омадсиз инсон ҳисобларсиз?

Агар бундай ҳолатга яна тушиб қолгудек бўлсангиз қуйидаги саволларни ўз-ўзингизга беринг, холис жавоб қайтаринг:

– Соғлиғим жойидами?
– Егуликка овқатим борми?
– Қўл-оёғим бутми?

Шугинами, деб ўйлаган бўлишингиз ҳам мумкин. Ҳа, бор-йўғи шугина. Бир ўйлаб кўринг-а, ҳар куни турли касалликларга чалиниш ва очарчилик оқибатида неча-неча инсон ёстиғи қурийди...

Кўча-кўйда бировнинг ёрдамисиз ҳаракатлана олмайдиган, ногирон ва мажруҳ кишиларга кўзингиз тушгандир. Аксарият ҳолларда бепарво ёки ҳар хил ташвишлар билан овора бўлиб, уларга эътибор ҳам бермайсиз. Ҳаётдан доим нолиб юрувчи бир кимса эскириб, тўзиб кетган оёқ кийими хусусида ўйлаб, сиқилиб ва ўз-ўзига ачиниб кетаётган бир пайтда гилдиракли кичкина стулчага ўтирган ҳолда қўллари ёрдамида базўр ҳаракатланаётган кишини кўриб қолибди. Шунда: «Мен оёқ кийим хусусида бош қотиряпман-у, кимнингдир эса умуман оёғи йўқ», деган фикр ўтибди хаёлидан. Худди шу воқеа унинг учун бутун умри давомида ҳаётий сабоқ бўлибди. Яъни у кўпгина нарсаларнинг нафақат бош қотириб, балки ўйлаб ўтиришга ҳам арзимас эканлигини тушуниб етган. Назаримда, юқорида билдирилган фикр бизлар учун-да ибратлидир.

Билингки, доимий равишда оз-оздан бўлса-да, асабийлашиш куни келиб, албатта ички портлаш ҳодисасини келтириб чиқаради. («Тома-тома кўл бўлур» ибораси бундай вазиятда жуда ўринлидир). Мана масалан, кўз олдингизга кўп йиллар савлат тўкиб турган катта дарахтни келтиринг. Энди бир ўйлаб кўринг, дарахт атроф-муҳитга кислород чиқара бошлаган (албатта, карбонат ангидрид ютган ҳолда) илк кундан то шунчалик бўй чўзгунга қадар қанчадан қанча ёмғиру қорлар, шамолу жазирамалар (эҳтимол, бўрон ва селлар, зилзилалар) гувоҳи бўлгандир. Ана шундай кучли ва чидамли ўсимликнинг бармоқларингиз билан эзиб ташлашингиз мумкин бўлган майда ҳашоратлар «сайёҳаракатлари» оқибатида қулашига нима дейсиз?

Ҳаётда ҳам бундай ҳолатлар кўп учрайди. Баъзан жуда оғир дамларда матонат ва иродамизни ишга соламиз-у, арзимасгина келишмовчилик, халақитни деб, узоқ вақтгача ўзимизга кела олмаймиз. Демак, том маънодаги кучли инсон, шахс даражасига кўтарилиши мумкин бўлган киши – ҳар қандай шароит, вазиятда ҳам ўзини йўқотиб қўймайди. Биз сизга ҳаётда синалган ва ўзини оқлаган усуллардан бирини ҳавола этмоқчимиз. Балки сизга ҳам нафи тегар.

Масалан, олдингизда бир муаммо бор. Аввало, ушбу муаммо олиб келиши мумкин бўлган энг салбий натижа ҳақида ўйланг.

Энди эса ўша натижага (у ҳали содир бўлганича йўқ) агар зарур ва ўзга чора қолмаса, кўнгилга ўзингизни руҳан тайёрланг. Демак, ортиқча хавотир ва қўрқувга ҳожат қолмайди, албатта, агар шу ҳодисани руҳан қабул қилган бўлсангиз.

Ниҳоят, муаммо ойдинлашди. Мана энди, бутун диққат-эътиборингизни айнан ўша, энг салбий натижа олдини олишга қаратинг.

Доим ёдда тутинг! Қайта ва қайта ўйланган, устида бош қотирилган муаммо ўз-ўзидан ечимини топмаслиги (токи, ақлни бир жойга йиғиб, унинг имкон қадар оптимал ечимини топмагунингизга қадар) мумкин эмас. Фақатгина сиқилганингиз, асабийлашганингиз ва шу билан соғлиққа зарар етказганингиз қолади.

Учқун САИДНАЗАРОВ тайёрлади.

ОДИН УМ ХОРОШО...

Ученые выделили семь типов человеческого интеллекта. Интеллект № 1 – лингвистический. Тот, кто им обладает, умеет на ходу придумывать увлекательные истории и не упускает случая сострить. Интеллект № 2 – пространственный. Такие люди отлично ориентируются на местности. Интеллект № 3 – логико-математический. Им отличаются бухгалтеры и программисты. Интеллект № 4 – музыкальный. Те, у кого он развит, живут в мире звуков. Интеллект № 5 – социальный. Это умение ладить с людьми. Интеллект № 6 – телесный. Он обеспечивает успехи в спорте и танцах. Интеллект № 7 – внутриличностный. Им наделены люди, готовые всю жизнь посвятить самопознанию.



Қишки олимпиада – 2006

ЮКСАК ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАБ





Шу йилнинг 10 февраль куни Италиянинг Торино шаҳрида йилнинг энг нуфузли турнирларидан бири ҳисобланган қишки олимпиада ўйинлари старт олади. 16 кун мобайнида бўлиб ўтадиган мазкур беллашувлар жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиши шубҳасиз. Чунки қизиқарли ва эсда қоларлик учрашувларга бой кечиши кутилаётган ушбу мусобақаларда 120 дан ортиқ давлат вакиллари иштирок этиши кўзда тутилмоқда. «Қишки олимпиада – 2006» ўйинларида спортнинг 2 тури бўйича 3 нафар спортчимиз юртимиз шаънини ҳимоя қилишади. Ёш, умидли спортчимиз Кайрат Эрметов тоғ чанғиси баҳслари қатнашса, Артём Князев ҳамда Марина Аганина жуфтлиги фигурали учиш беллашувларида ўзаро куч синашишади. Хўш, Италия сари отланажак вакилларимиз имкониятлари қай даражада, улардан қандай натижаларни кутсак бўлади? Биз бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга бўлиш мақсадида спортчиларимиз билан телефон орқали боғланишга ҳаракат қилдик.

Марина: – Ҳозирга қадар бундай нуфузли турнирда илк бора иштирок этаётганимдан ниҳоятда ҳаяжондаман. Турнир олдидан бирор нарса дейишим қийин. Мен баҳслар давомида юртимизнинг шаънини ҳимоя қилиш учун бор маҳоратимни ишга солишга ҳаракат қиламан.

Ёш спортчиларимиздан ҳисобланган Марина Аганина 1985 йил туғилган бўлиб, 1991 йилдан буён спортнинг ушбу йўналиши бўйича шуғулланиб келмоқда. Фигурали учиш баҳсларида унинг энг яқин ҳамкори Ренат Собировдир. Ушбу жуфтлик нафақат республикамизда бўлиб ўтган баҳсларда, балки халқаро ареналарда ҳам юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб келган.

Артём: – Мен асосан турнирларда Ирина Галкина ҳамда Ирина Шабановалар билан иштирок этардим. Лекин шу пайтгача натижалар ёмон бўлмади. 1999 йилда қитъалараро мусобақада 8-ўринни банд этган бўлсак, 2005 йилда ҳам шундай ўрин бизга насиб этди. 2003 йил Исроилнинг Метулла шаҳрида жуфтлигимиз чиқиши 2-ўринга лойиқ топилган бўлса, 2005 йил Хитойнинг Вейжинг шаҳридаги халқаро турнирида 7-ўринни банд этдик. Бу сафар илк бора нуфузли турнирда Марина билан чиқиш қилишимизга тўғри келмоқда. Ўйлайманки, қишки олимпиада ўйинлари бизнинг янги жуфтлигимизга омад олиб келади.

Маълумот ўрнида шуни айтишимиз керакки, ҳозир спортчиларимиз Американинг Колорадо Стрикс шаҳрида қитъалараро мусобақада иштирок этиш баробарида «Қишки олимпиада – 2006» ўйинларига ҳам тайёргарлик кўришмоқда.

1984 йил Тошкентнинг Чимёнида туғилган Кайрат Эрметов тоғ чанғиси спортининг ҳадисини олганлардан ҳисобланади. У 14 ёшидан буён спортнинг ушбу йўналиши билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Халқаро ареналарда ҳам унинг иштироки чакки эмас. 2004 йилда Кайрат Осиё чемпионатида иштирок этиб, турнирнинг кумуш медали соҳибига айланди.

Кайрат: – Мен бундай йирик турнирда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритганимдан хурсандман. Ҳозир устозим Вячеслав Стенин билан жиддий машғулотлар олиб бормоқдамиз. Ўйлайманки, ушбу машғулотлар ўз самарасини беради.

Биз ҳам юксак чўққини кўзлаб Европа сари йўл олаётган уч спортчимизга омад ёр бўлишини тилаймиз.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.







МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Попытка похитить Олимпийский огонь

Во время эстафеты Олимпийского огня в итальянском городе Тренте восемь антиглобалистов, лица которых были скрыты масками, напали на чемпионку Италии в беге на 1500 метров Элеонору Берланду и отняли у нее факел. Эстафета была продолжена только после вмешательства полиции, которая арестовала четверых нападавших и вернула факел спортсменке. Нападавшие подхватили факел, но убежать с ним до вмешательства полиции не успели.



Всемирный форум в Давосе

В швейцарском Давосе открылся 36-й Всемирный экономический форум. Тема форума – «Креативный императив», и упор делается на ведение бизнеса с Китаем и Индией. Между тем, главным предметом обсуждения станет энергетическая безопасность, считает «The Wall Street Journal».



Принц может попасть в «горячую точку»

Наследного принца Великобритании Гарри могут направить на военную службу в «горячую точку», сообщает агентство Reuters со ссылкой на пресс-службу Букингемского дворца. Минобороны Соединенного Королевства подтвердило возможность того, что принц Гарри после окончания военной академии «Sandhurst» присоединится к кавалерийскому полку «Blues and Royals», который впоследствии может быть отправлен в конфликтную зону, Афганистан или Ирак.



По данным exit polls, лидирует «Фатх»

В Палестинской автономии прошли первые за последние десять лет выборы в Палестинское законодательное собрание. В Центризбиркоме сообщили, что в голосовании приняли участие 77% из 1,3 млн. зарегистрированных избирателей. По результатам exit polls, на выборах лидирует движение «Фатх», возглавляемое главой Палестинской национальной администрации Махмудом Аббасом, за ним следует «Партия реформ и перемен» радикальной организации «Хамас» (впервые принимавшей участие в таких выборах).



Контингент сокращен до 136 тысяч человек

Численность американских войск в Ираке в настоящий момент сокращена до 136 тысяч человек, сообщил официальный представитель Пентагона подполковник Барри Венебл. В конце прошлого года командующий американскими войсками в Ираке генерал Джордж Кейси сообщил, что ожидает уменьшения численности контингента до 130 тысяч человек к началу марта. По его словам, дальнейшие сокращения будут зависеть от развития ситуации в стране.



Иран соглашается, но вновь угрожает

Правительство Ирана сообщило о готовности рассмотреть и принять инициативу Москвы о создании совместного предприятия по обогащению урана на российской территории. Это призвано стать компромиссным решением кризиса в отношениях между Тегераном и западными государствами. При этом Иран вновь предостерег западные страны от передачи ядерного досье на рассмотрение Совета Безопасности ООН. Иначе он угрожает перейти к промышленному обогащению урана.



Подводная лодка класса «Борей»

Закладка новой российской атомной подводной лодки состоится в марте. Субмарина класса «Борей» будет строиться на «Севмашпредприятии». По предварительным данным, она будет носить имя «Владимир Мономах». В настоящее время здесь ведется строительство двух стратегических АПЛ четвертого поколения - «Юрий Долгорукий» и «Александр Невский».



Ген поможет бросить курить

Две группы ученых провели исследования различных форм гена CYP2A6, который регулирует никотиновый метаболизм в теле человека. Ранее проведенные исследования показали, что у людей, у которых этот ген не работает, меньше риск получить никотиновую зависимость. Эксперты считают, что у таких людей никотин в течение более долгого времени выводится из организма, поэтому желание выкурить следующую сигарету появляется через более длительный промежуток времени. Никотин является главным виновником пристрастия людей к курению.

(По страницам Интернета).

ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИ ЮҚОРИ

050

Дунё миқёсида фавқулодда вазиятларнинг салмоғи уларда қурбон бўлганлар ва жароҳатланганларнинг ҳам тобора ортиб боришига сабаб бўлаётган экан, аҳоли ўртасида хавфсизлик маданиятини ошириш учун йўлимиздаги барча тўсиқларни олиб ташлашга фурсат етарли. Демак, биз қачон ва қаерда содир бўлмасин, фавқулодда вазиятни тезда илғай олишликка, руҳий барқарорликни қўлдан бермаган ҳолда тўғри ҳаракат қилишга, ўзимизга ва атрофимиздаги шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсата олишликка ҳар дақиқада тайёр туришимиз лозим. Юқорида санаб ўтилган билим, кўникма ва малакага фақатгина мунтазам узлуксиз таълим бериб гина эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтида 2005 йилда Тошкент шаҳар ва туман ҳокимиятлари раҳбар ходимларидан 80 нафар, шаҳар ҳудудидаги корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарлари, тузилма сардорлари ва мутахассисларидан иборат 1181 нафар тингловчилар тайёргарликдан ўтказилди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳри ҳудудидаги халқ хўжалигининг 92 та иқтисодий объектларида 324 маротаба (289 та режага асосан, 15 та ҳамкорликда, 20 та шаҳар Фуқаро муҳофазаси хизматлари билан) махсус-тактик машғулотлар ўтказилди ва корхона ходимлари ҳамда яқин атрофда жойлашган маҳалла аҳолисидан 108 минг нафари ушбу махсус-тактик машғулотларга жалб қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг 2005 йил 26 август кунидаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар, Олий ва Ўрта махсус-таълим ва Халқ таълими вазирликларининг Қўшма Ҳайъат мажлисининг Қарорини вазирлик тизимида ижро учун эълон қилиш тўғрисида»ги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида, шаҳар ҳудудида жойлашган 29 та олий ўқув юртларига, 85 та коллеж, 30 та лицей ва 324 та умумий ўрта ва махсус мактаб директорларига ушбу буйруқда кўрсатилган талабларнинг бажарилиши бўйича тақдимномалар берилди ва махсус синф хоналари ажратилиб, ҳозирги давр талабига мос равишда кўргазмали воситалар билан жиҳозланиши ташкиллаштирилди. Шундан 29 та олий ўқув юрти ва 115 та коллеж ва лицейларда синф хоналари жиҳозланди.

Таълим муассасаларида «Фуқаро муҳофазаси», «Чақириққача ёшларни тайёрлаш» ва «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» фанлари орқали ўқувчи ва талабалар ўқиш даврида тайёргарликдан ўтказилди.

Ўқув йили якунланди, лекин таълимнинг узлуксиз бўлиши учун инсониятни гўдаклик чоғидан умрининг охирига қадар фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрланиб боришининг моҳияти, дунёнинг ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан маълумки, асосий мақсад жабрланганлар сонини камайтириш, ўлимга йўл қўймаслик ва моддий бойликларни асрашдир.

Катта лейтенант
Отабек ШОЮСУПОВ,
Тошкент шаҳар
Фавқулодда вазиятлар
бошқармаси «Аҳолини
тайёрлаш маркази»
бошлиги.

ШКОЛА ВЫЖИВАНИЯ

ЭЛЕКТРИЧЕСКИЙ ТОК: ПОМОЩНИК И...



Человека уже давно не удивляет слово «электричество». С детских лет нам знакомы телевизор, холодильник, стиральная машина, утюг, осветительная лампочка, квартирный звонок и т.д. Сегодня электрическая энергия – верный помощник человека в быту. Но она может нанести и непоправимый вред здоровью, если при пользовании ею не соблюдать меры личной предосторожности и не выполнять элементарных правил безопасности.

Обычно угроза несчастного случая сопровождается некоторыми признаками, на которые могут реагировать органы чувств человека. Вид падающего предмета, шум приближающейся электрички, запах газа как бы предупреждают человека об опасности и дают возможность ему принять необходимые меры предосторожности.

Обнаружить же электрический ток человек не может. Коварная особенность электрической энергии заключается в том, что она невидима, не имеет запаха и цвета.

Электрический ток поражает внезапно, когда человек оказывается включенным в цепь прохождения тока. Опасная ситуация возникает тогда, когда он, с одной стороны, касается неизолированного провода, провода металлического корпуса электроприбора с неисправной изоляцией или металлического предмета, оказавшегося случайно под напряжением, а с другой – земли, труб центрального отопления и других заземленных предметов.

Опасная ситуация обнаруживается слишком поздно, когда предотвратить поражение электрическим током практически невозможно.

Несчастные случаи происходят, когда дети пытаются «исследовать» содержание электророзеток, втыкая в них гвозди, шпильки, проволоку. Причина поражения нередко кроется в оголенных проводах и неисправных электроприборах, которые иногда берутся исправлять сами ребята, не обладая достаточными знаниями и навыками техники безопасности.

Следует помнить, что природная детская страсть к «исследованиям» может стать причиной трагических последствий, а пренебрежение правилами электробезопасности может привести к ожогам различной степени и, что самое печальное, к смерти.

Не лишним будет знать, что организм ребенка обладает более низким электрическим сопротивлением, чем организм взрослого человека. Следовательно, сила воздействия электрического тока на детский организм существенно выше, чем на организм взрослого. Электрический ток при напряжении в 220 В, который взрослого лишь чувствительно «стукнет», для ребенка может оказаться губительным.

Вывод: задача взрослых – создать условия, при которых ребенок ни при каких обстоятельствах не может соприкоснуться с проводами и приборами, которые находятся или могут оказаться под напряжением.

Следует неукоснительно выполнять ряд важных правил электробезопасности:

– ребенку недопустимо позволять самостоятельно втыкать вилку в розетку или выдергивать ее оттуда: пальцами он может замкнуть контакты вилки на себя;

– розетки и выключатели должны размещаться на высоте, недоступной для ребенка или быть загорожены предметами мебели, которые он не сможет самостоятельно отодвинуть (шкаф, комод, тяжелая тумба);

– те розетки, до которых ребенок может дотянуться рукой, должны быть закрыты специальными заглушками (они продаются в магазинах электротоваров);

– тройники, находящиеся в доступном месте (например, возле телевизора или компьютера), должны иметь специальные отодвигающиеся заслоны – в гнезда такого тройника ребенок не сможет самостоятельно вставить вилку электроприбора или воткнуть какой-либо предмет (гвоздь, шпильку, булавку и т.п.).

Нередки случаи, когда дети, подростки, не обращая внимания на предупредительные знаки, надписи, ради любопытства проникают в распределительные устройства, на трансформаторные подстанции, в силовые щитки и получают электротравмы.

Юрий МИХАЙЛОВ,
подполковник в отставке.

Новые технологии

ШКОЛЬНЫЙ ПРОЦЕСС – НА СОВРЕМЕННУЮ ОСНОВУ





Нередко родители жалуются на то, что в обычных общеобразовательных школах не дают достаточно знаний, позволяющих их детям затем продолжить обучение в вузах. На эти, порой отнюдь не беспочвенные упреки, педагоги реагируют по-разному. Кто-то молчаливо соглашается, кто-то спорит до хрипоты, отстаивая честь своей профессии, а кто-то делает соответствующие выводы и стремится ликвидировать имеющиеся пробелы путем внедрения новых технологий. Наглядным примером может послужить решение данной проблемы в Сергелийском районе столицы, где сравнительно недавно был открыт, а ныне успешно функционирует Межшкольный ресурсный центр. Главная цель, которую ставили перед собой его создатели, – это повышение качества преподавания предметов в школе. Одним словом, взяла свое начало пропаганда образа педагога, способного владеть современными достижениями прогресса в деле обучения и воспитания подрастающего поколения.

За время своего существования сотрудники МРЦ сумели обучить более 400 преподавателей, но на достигнутом останавливаться не собираются. Более того, привлекают для тесного сотрудничества учителей из так называемой глубинки, где компьютеризация пока что только начинает зарождаться. Большим подспорьем для нынешнего поколения педагогов служат и регулярно проводимые в центре тематические семинары и тренинги. На сегодняшний день их проведено уже около двухсот, что позволило их участникам существенно расширить свой кругозор и поднакопить знаний и опыта.

Само собой разумеется, что активная работа с педагогами позволила в определенной степени повлиять на существующую программу обучения, разнообразить ее, а значит, повысить интерес учеников к школьным дисциплинам. Например, большим успехом и спросом пользуются сегодня в школах мультимедийные уроки, дающие возможность школьникам более глубоко изучать тот или иной предмет, что незамедлительно отражается на их успеваемости. Многие ребята настолько заинтересовались новым процессом, что уже сами начали создавать Интернет-сайты на темы, даже не входящие в школьную программу. К примеру, одиннадцатиклассник Хамид Хамдамов создал сайт о золотом сечении. Он рассмотрел этот вопрос с точки зрения химии, физики, биологии и даже психологии.

Возвращаясь непосредственно к деятельности центра, следует отметить еще одну характерную особенность – здесь широко применяется дистанционное обучение, которое рассчитано, в том числе и на детей-инвалидов. С помощью Интернета они получают соответствующие задания, и таким же образом присылают ответы. Результаты новинки не заставили себя долго ждать. Недавно сотрудники центра дружно поздравляли Колю Боровкова, сумевшего успешно выдержать экзамены и получить аттестат о среднем образовании.

Думается, стоит выделить еще одну немаловажную деталь. Для того чтобы педагоги смогли активно изучать, а впоследствии и внедрять компьютерные технологии в практику, центр на шесть месяцев выдает компьютеры, подключенные к Интернету, в домашнее пользование. В итоге в свет выходят новые разработки, получающие широкое признание.

Как видим, груз ответственности, который взвалили на свои плечи руководители центра Лилия Николенко и Сергей Брунец, довольно тяжел, но их благородный труд, направленный на воспитание молодежи – будущего нашей страны, окупается сторицей. Достигнутые результаты вдохновляют сотрудников центра на новые свершения, от которых в выигрыше остаются все.

Эналида ТЯН.

На снимках: **рабочие моменты в стенах центра.**
Фото **Ярослава КОРУКИ.**

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

Ҳарбийлар оиласи

САДОҚАТДАН ОЧИЛГАН ҒУНЧА

Дилида ғайрат ва шижоат ҳислари жўш урган юртнинг асл фарзандларигина чинакам мардлар касби – ҳарбийликни танлайдилар. Зеро, мазкур соҳа кишидан жуда кўп нарсани талаб қилади. Жумладан дадиллик, ҳамма вақт бурч ҳиссини туйиб яшаш, доим олға интилиш, ўз устида тинмай ишлаш, юксак ҳушёрлик, фидойилик, ҳатто ўз роҳатидан кечиб бўлса-да, Ватан ва халқ осойишталиги йўлида матонат кўрсатиш – бу ва яна бир қанча сифатлар ўзини жанговар хизматга бағишлаган посбондан доимий талаб қилинадиган жиҳатлардир. Шу ўринда эр йигитларимизнинг масъулиятли ва мураккаб, айни чоғда ўта машаққатли хизмат йўллари давомида у билан ҳамдам ва ҳамфикр, қайсидир маънода маънан кўмакдош бўлиб келаётган мунис аёлларимиз ўрнини ҳам алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз, албатта. Чунки оиласидан хотиржамлик топган жангчи хизматда ҳам муваффақиятга эришади-да.



Сермашаққат ҳарбийлик касбини тутган умр йўлдошига ҳар томонлама суянчиқ, таъбир жоиз бўлса, жасорату матонатга чорлаб турган илҳом париси, ҳаёт синовлари давомида мудом тиргак бўлиб келаётган севимли рафиқаларни қиёслашга таъриф йўқ. Жангчи хизмат тақозосига кўра гарнизонма-гарнизон кўчиб юрганида, гоҳида масъулият ҳисси билан байрамларни ҳам жанговар постларда ёки зиммасида муҳим топшириқлар билан қарши олаётганда уйда отанинг ўрнини билдирмай, болаларига меҳрибонлик қилиб, тоғ келса кемириб, сув келса шимириб ўтирган ҳарбий оила бекаларига тасаннолар айтамиз. Бундай аёлларни шоирона ташбеҳлар билан «садоқатнинг соҳир тимсоли», десак хато бўлмайди.

Сиз суратда кўриб турган ушбу бахтиёр оила аъзолари – катта лейтенант Исломжон Юсупов ва турмуш ўртоғи Нигора Юсупова ҳамда уларнинг саккиз ойлик қоракўз ўғилчаси Самандар Муҳаммаджоновлардир. Улар билан бундан сал олдинроқ Жиззах шаҳрида, Марказий ҳарбий округ ёш офицерлар анжуманида учрашган эдик. Тадбир тафсилотлари ҳақида газетамизнинг аввалги сонларида маълумот берилгани боис бу ҳақда такрор тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Фақат шуни ёдингизга солмоқчимизки, ўшанда округ қўмондонлиги ва турли ташкилотлар томонидан илғор ёш командирларга эсдалик совғалари, ҳадялар берилгани ҳақида айтилганди. Улар сафида қаҳрамонимиз катта лейтенант И.Юсуповнинг ҳам борлиги айни муддао бўлди. Танаффус маҳали тантанадан кўнгилли ҳордиқ ва бир олам таассуротлар билан чиққан суҳбатдошларимга яқинлашарканман, уларнинг кўзларида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан мамнуният ифодалари чақнаб, бахтиёрлик мавжлари жўш уриб турганини кўрдим.


– Наманган вилоятининг Норин тумани Ҳаққулобод шаҳриданмиз, – дейди оила бошлиғи Исломжон. – Ҳозир Сирдарё вилоятида хизмат қиляпман. Мана, ҳарбий соҳанинг нуфузи тобора ортиб, кун сайин обрў-эътиборли касбга айланяпти. Биз бундан хурсандмиз, албатта. Бугунги тадбирга оиламиз билан келиб, жуда яхши таассуротга эга бўлдик. Менга айниқса, келинингизнинг шу баҳона ором олгани кўпроқ маъқул бўлди. Чунки мен кўпинча хизматда бўламан. Уйда қолган киши барибир зерикади. Хизмат тақозосига кўра туғилиб ўсган жойимиздан, яқинларимиздан узоқдамиз. Гоҳида дам олиш кунлари ҳам унутилади. Аммо мен толеимга Нигорадек тушунган, самимий аёл битганидан хурсандман. Биз беш йил давомида бир-биримизни синаб, севишиб, ишқ-муҳаббатнинг муқаддас аҳдларини юрагимизга жойлаб турмуш қурганмиз. Муҳаббатимиз мевасини бўлган фарзандимиз бир-биримизга бўлган меҳримизни янаям орттирди. Ширингина оилам, жажжи фарзандим мени хизмат фаолиятим давомида мудом олға ундаб туради. Халқим, шу жумладан, оилам осойишталигини таъминлаш йўлида машаққатлар асло билинмайди. Оиламдан кўнглим тўқ. Нигора менинг ҳарбийлигимни, хизматим осон эмаслигини билиб, дил амрига кўра розилик берган. Мақтаняпти деманг-у, хотиним бичиш-тикиш, пазандалик бобида ҳам ҳеч кимдан қолишмайди. Хизматимдан ҳам, турмушимдан ҳам мамнунман, – деди катта лейтенант Исломжон Юсупов фахр ила жилмайиб.

– Бу киши мени ёшлигимдан ҳимоя қилиб, бегоналарни ёнимга яқин йўлатмай юрарди, – дейди Нигора уялинқираб. – Шундан ҳам билардимки, астойдил яхши кўраркан. Исломжон акамнинг ваъдасига вафо қилганидан, эл эътиборидаги мардлар касбининг бошини тутганидан ҳақли равишда фахрланаман. (Кулиб) Юқорида турмуш ўртоғим мен ҳақимда жуда яхши гапларни айтди, энди мен ҳам сал мақтаб қўймасам бўлмас. Хизматдан бўш вақтларида уй ишларида менга ҳар доим кўмаклашадилар. Байрамларда ош, Наманганча қотирма каби овқатларни ўзлари тайёрлайдилар. Хўжайинининг хизмати туфайли ўзимизга ўхшаган кўплаб ҳарбий оилалар билан танишдик. Ўзаро борди-келди қиламиз. Турли вилоятлардан дугоналар орттирдим. Умуман олганда, турмушимдан норози эмасман. Бахтимизга соғ бўлсин. Исломжон акам ва барча ҳарбийларимизга фақат эзгу ниятлар, муваффақиятлар тилайман. Шуни унутманг, азиз посбонлар – биз сизга ишонамиз. Ана шу ишончга муносиб бўлинг ва ҳар доим уни оқланг.

Ишонч! Бу сўз замирида чуқур эҳтиром, энг теран мушоҳадалар, пинҳоний, аммо мислсиз қудратли ҳис-туйғулар, тилга кўчмас иборалар уммони мужассам топган. Бу ишонч – ҳар тонг қўлини дуога очган мунис оналар, пиру бадавлат оталар, севикли маҳбубалар, жигаргўша опа-сингиллар, келажак ворисимиз бўлган болалар ва бутун юртдошларимиз ишончи демакдир! Бизнинг ҳам тилагимиз – шу азиз туйғу йўқолмасин ва ҳар биримиз унга муносиб бўлайлик. Ватан ичра Ватан бўлган муқаддас оилаларимизга эса ҳеч қачон кўз тегмасин.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР



«АНТИҚА» САЛАТИ

Масаллиқлар: 3 дона картошка, 3 дона сабзи, 1 дона қайнатилган лавлаги, 2 дона олма, 2 дона бодринг, 2 қошиқ ўсимлик мойи, 1/3 стакан майонез, кўкат, туз ва қалампир. Қайнатилган картошка, олма, бодринг ва сабзи сомонча шаклида тўғралиб идишга солинади. Ўсимлик мойи, сирка, зиравор қўшилиб яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра майда кубик шаклида тўғралган қайнатилган лавлаги ва майонезни ҳам қўшиб аралаштирилади.

ТИРНОҚЛАР ПАРВАРИШИ



Тирноқлар мўрт бўлса, бир неча томчи ўсимлик мойи томизилган сувда тутиб туриш тавсия этилади. Олма сиркаси ва ўсимлик мойининг тенг миқдордаги аралашмасида ванна қилиш ҳам яхши натижа беради. Шунингдек, қиздирилган зайтун мойи ва бир неча томчи лимон шарбати аралашмасининг ҳам нафи катта. Тез синувчан тирноқларни даволашда тузли ванналардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун иссиқ сувга бир чой қошиқ туз солиб, 20 дақиқа унда қўлни ушлаб туриш лозим. Бу муолажа 10-15 кун узлуксиз қилинади. 1 ойдан сўнг такрорланади.

ЗАЩИТА ОТ ВЕТРА



Каждому сезону – свой крем! А это значит, что те средства, которыми вы пользовались летом и ранней осенью, сейчас не годятся. Вам нужны кремы, защищающие кожу от обветривания и холода. Самое время пользоваться средствами, содержащими глицерин. Защитная пленочка, которую он образует, препятствует воздействию поступающей извне влаги, а также способствует увлажнению кожи. Позаботьтесь и о питании кожи: одних масок явно недостаточно. Ваш ночной крем должен быть питательным. Конечно, подбирать средства необходимо с учетом типа кожи: то, что хорошо для сухой, совсем не нужно жирной!

СОВЕТ. Не дожидайтесь, пока кожа начнет шелушиться – вовремя начинайте пользоваться сезонными средствами!

МЎЙНА БУЮМЛАР ПАРВАРИШИ



Мўйна буюмларни кийиш муддатини чўзиш ва чиройли ҳолича сақлаш учун уларни парвариш қилиш лозим. Мўйнали кийимлар ечилгандан сўнг уни силкитиб, қор, ёмғир томчисидан ва чангдан тозаланади, ҳўл бўлиб ётиб қолган жунлари кўтариб қўйилади. Пальто ва бошқа ташқи кийимларни осгичга илиб қўйиш керак, шунда улар текис қурийди, шаклини йўқотмайди. Ҳўл бўлган мўйналарни иситиш асбоблари олдида қуритиш мумкин эмас.

Мўйна буюмлар салқин жойларда сақлангани маъқул. Юқори температурада мўйналар қуриб қолади, чарм тўқимаси эса қотиб, майинлигини йўқотади, мўйна ёруғлик таъсирида, айниқса офтобда рангини йўқотади. Демак, мўйна буюмларни қоронғида сақлаш зарур. Бир оз кир бўлган мўйналарни уй шароитида тозалаш мумкин. Ёғ доғи теккан майда мўйнали буюмлар тозалатта воситасида бензин билан артилади. Бунда мўйна жунлари бир томонга қараб; кам доғ тушган жунлар ёғиқ томонига қарата, кўпроқ кирланганлари эса тескари томонга қарата артилади. Шунингдек, доғларни 1 чой қошиқ новшадил спирти, 3 чой қошиқ ош тузи 0,5 л сувга қўшилиб тайёрланган аралашма билан ҳам тозалаш мумкин.



Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

НОГИРОНЛИК МУАММОСИ

Малика хола маҳалламизда ўзига яраша обрў-эътиборга эга бўлган кайвонилардан саналади. Маҳалланинг тўй-маъракасида доимо унинг айтгани-айтган, дегани-деган. Ҳатто холанинг аралашуви билан маҳалламиздаги келишмовчилиги мавжуд 2-3 та оила муаммолари ҳам ҳал бўлгаи дейишади. Ҳа, кайвони холанинг бундай савобли ишларига қойил қолмай бўладими!

Хола ўз ниёси билан қуда тутиниб, кенжа ўғлига дабдабали тўй қилганда унинг довруғи етти маҳаллага тарқалиб, ёшу қари анча вақтгача бу ҳақда ўзларининг илиқ таассуротларини гапириб юрди. Бир йил ўтгач, бу хонадонда чақалоқ йиғиси эшитилди. Бу йиғи оилага қувонч олиб келиш ўрнига, анчагина ғам-ташвиш олиб келди. Янги туғилган ногирон бола бахтли оиланинг ажралиб кетишига сабаб бўлди. Хола эса бор айбни ўз жиянига тўнкаб қўя қолди. Бахтсиз келинчак норасида гўдагини кўтарганча, отасининг уйидан қўним топди.

Афсуски, турли сабабларга кўра беэътиборлигимиз оқибатида зурриётимизнинг ногирон бўлиб туғилишига ўзимиз сабабчи бўламиз. Яқинда Республика «Оила» илмий-амалий марказида бўлиб, марказ мутахассисининг ушбу муаммо бўйича фикрлари билан қизиқдик.

– Ногиронликнинг бир неча тури мавжуд, – дейди биз билан суҳбатда марказ илмий ходими Маҳбуба Мираҳмедова. – Аксарият кишилар ногиронлик нозоологик ҳолатда намоён бўлгандагина жиддий эътибор қаратишади. Аслида камқувватлик, паканалик, ўта узунлик, зеҳнсизлик каби аломатлар ҳам ногиронлик сирасига киради. Ногиронликнинг бундай кўринишлари яқин қариндошлик никоҳидан туғилганларда ҳам учрайди. Табобатда ногиронликнинг сабаблари уч турга бўлинади. Қариндошлик никоҳи шу сабаблардан биридир. Бундай болаларнинг туғилишига эса ота-оналар сабабчи бўлишади.

Бухородаги фаолиятимиз мобайнида аянчли бир ҳолатга дуч келдик. Гуруҳимизни вилоятнинг чеккасида жойлашган Олот туманидаги ногиронлик кўп бўлган хўжалар қишлоғига олиб боришди. Қишлоққа киришимиз билан димоғимни аччиқ бир ҳид бўғди. Сабабини аниқлаганимизда ушбу қишлоқда нос учун талқон етиштиришар экан. Энг ачинарлиси, ўша полизда ҳавонинг иссиқ ва дим бўлишига қарамай бир ҳомиладор аёлнинг ишлаётганини кўрдим. Бу иккиламчи ҳолат. Энг ёмони, қишлоқ аҳолисининг ўзини хўжалар деб ҳисоблайдиган қатлами бир-бири билан қуда-анда тутиниши оқибатида бир қишлоқнинг ўзида 8-9 та ногирон бола туғилган. Ногиронликнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир оилага кириб, ота-оналар билан учрашдик. Қишлоқ аҳолиси билан суҳбатлашиш жараёнида бир олий маълумотли келинчак билан танишиб қолдим. Қариндошлик никоҳи туфайли унинг ҳам 2 нафар фарзанди ногирон туғилган экан. Ўша аёл юғуриб, елиб, қишлоқ боғчаси қошида карсоқов болаларни ўқитаётган экан. Биз бундан хурсанд бўлдик, албатта. Мана шундай гуруҳларни мактаблар қошида ҳам ташкил қилиш лозимлигини туман хотин-қизлар қўмитасига таклиф қилдик. Чунки республикамизнинг чеккa ҳудудларида кар-соқов болаларнинг таълим олишига деярли аҳамият беришмайди. Бундай болалар учун махсус интернатлар эса фақатгина вилоят марказларидагина фаолият юритади. Масаланинг яна бир муаммоли тарафи, кўпчилик ота-оналарнинг ўзлари боласига тўланадиган нафақанинг қисқартирилишини хоҳламай, боласининг ўқишидан воз кечишар экан. Буни ота-оналар билан суҳбат жараёнида аниқладик.

– Ногиронлар таълими ҳақида тўхталдингиз. Ҳозирда махсус интернатларни кузатсангиз, ақли расо, аммо жисмоний камчилиги бўлган болалар ақли заиф болалар билан бирга ўқитилаётганини кузатишингиз мумкин. Бу уларга руҳий жиҳатдан таъсир қилмайдими?

– Биз яқинда пойтахтда жойлашган 6 та махсус интернат ва 1 та мурувват уйида ўтказилган тадқиқотимизда ушбу муаммога дуч келдик. Сўровнома ўтказганимизда жисмоний камчилиги бўлган болаларнинг аксарияти умумтаълим мактабида ўқишини давом эттиришни хоҳлашаётганини маълум қилишди. Лекин ота-оналарнинг аксарияти масъулиятдан қочиб, болаларининг интернатда ўқишини исташар экан. Тўғрисини айтиш керак, ҳозир интернатларда болалар учун барча шароитлар мавжуд. Аммо ақли соғлом болалар билан суҳбатлашсангиз, уларда тушкун кайфият кучли. Назаримда улар ҳам соғлом болалар билан бирга таълим олишса, ҳаётга бўлган ишонч уларда ҳам кучаярди. 300 га яқин ота-она билан суҳбатлашиб, улардан атиги 3 тасининг боласини оиласига қайтаришга рози қилдик.

– Яқин қариндошлар никоҳининг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

– Яқин қариндошлар никоҳининг сабабларига келсак, улар турлича. Оиланинг мол-мулкини бегонага қолдирмаслик, ота-оналар орасида яхши қизни қўлдан чиқармаслик ва камхаржлик туфайли қариндошлар қуда бўлишмоқда. Аммо бу сабаблар билан уларни оқлаб бўлмайди.

– Бу муаммонинг олдини олиш учун нима қилишимиз керак?

– Аввало, халқимизга тушунтириш керак. Бу ерда ота-оналар ва маҳалла фаолларининг роли катта.

Ҳаёт ҳам, соғлик ҳам Оллоҳ томонидан инсонга берилган бебаҳо неъмат. Уни сунистеъмол қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Биз нафақат келажак авлод тарбиясига, балки унинг соғлиғига ҳам бирдек масъулмиз. Шундай экан, фарзандни дунёга келтиришдан аввал, унинг саломатлигини яхшилаб ўйлашимиз лозим.

Комилжон ҲАСАНОВ.

ЗАБОТА О ДЕТЯХ – ОСОБАЯ

Маленькая Сабрина медленно, но старательно перевязала шнурок на большом цветном драконче, который был расшит различными геометрическими фигурками, пуговками и замочками, и с удовлетворением взглянула на воспитательницу. Римма Павловна, похвалив девочку, продолжила занятия с детьми.

Заведующая детским садом № 14 «Дустлик» при воинской части, расположенной в Каршинском гарнизоне, Наиля Касымовна Мухаметшина прокомментировала увиденное нами:

